Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1993 йил 2 декабрь, пайшанба № 230—231 (21.582). Сотувда эркин нархда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

БОШОҚЛИ ДОН ЭКИНЛАРИНИНГ ХАРИД НАРХЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Моддий-техника ва энергетика ресурсларига ошиб кетган ҳаражатларни қоплаш ҳамда жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликларини, ижара, фермер хўжаликлари ва бошқа хўжаликларни, шунингдек, қишлоқ аҳолисини бошоқли дон экинларининг майдонларини кенгайтиришга ва ялпи ҳосилини кўпайтиришга рағбатлантириш мақсадида:

1. 1994 йил ҳосилидан бошлаб бошоқли дон экинларининг харид нархлари ўрта ҳисобда 1 тонна буғдой учун — 120 минг сўм, арпа — 96 минг сўм, сули — 96 минг сўм ва жавдар — 115 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикасининг молия вазирлиги янги харид нархларининг прейскурантларини ишлаб чиқиб, тегишли вазирликлар ва идораларга етказсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 30 ноябрь.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ЧОРВА ВА СУТНИНГ ХАРИД НАРХЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Гўшт ва сутнинг зарур давлат заҳираларини вужудга келтириш ҳамда республика аҳолисини гўшт-сут маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 1993 йилнинг 1 декабридан бошлаб чорва ва сутнинг харид нархлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги бир ҳафта муддат ичида чорва ва сут янги харид нархларининг прейскурантларини манфаатдор вазирликлар ва идораларга етказсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 30 ноябрь

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1993 ЙИЛ 30 НОЯБРДАГИ ҚАРОРИГА ИЛОВА

ЧОРВА ВА СУТ ХАРИД НАРХЛАРИНИНГ ЧЕГАРАЛАНГАН МИҚДОРЛАРИ

	Тоннаси учун минг сўм (ўрта ҳисобда)	
	Тирик вазнда	Сўйилган вазнда
Қорамол, йилқи ва туялар	1680	3500
Чўчқалар	2110	3500
Қўй ва эчкилар	1390	3500
Асосий ёғлилик даражаси 3,6 фоиз бўлган сут	250	

БИРИНЧИ ҚОР

Осмон, унинг элагин-ей, элагин,
Сиёҳ дилни ёғдуларга белагин.
Келинчакка эгизак ул тилагин,
Биринчи қор, қадамингдан ўргулай.

Янги йилни қорсиз кутиб бўлурми,
Висол онин зорсиз кутиб бўлурми,
Ташрифинг алёрсиз кутиб бўлурмм,
Биринчи қор, қадамингдан ўргулай.

Соғинчимнинг либослари кумушдир,
Қаро кунлар, шукр, энди ўтмишдир,
Сен — эзгулик шамин тутган суруш[1]дир,
Биринчи қор, қадамингдан ўргулай.

Хўш пайғомлар дилни дилга улайди,
Элдошларим бир-бирига қорхат йўллайди,
Ҳар маконда букун меҳр гуллайди,
Биринчи қор, қадамингдан ўргулай.

Истиқлол эл эпкинида эврилгин,
Ризқ-рўз бўлиб замнимга сўрилгин,
Деҳқон бобом ҳосилига йўғриллгин,
Биринчи қор, қадамингдан ўргулай.

Осмон, унинг элагин-ей, элагин,
Юртга тангрим иноятин йўллагин,
Оқ жиға бер, муслим бошин силагин,
Биринчи қор, қадамингдан ўргулай.

Санобар ФАХРИДДИНОВА.



1. Суруш — хушхабар келтирувчи фаришта.

8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

БАЙРАМ ШАРАФИГА

Бутун жумҳуриятимизда бўлгани каби Навоий вилояти меҳнаткашлари ҳам тарихий ҳужжат — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг шонли бир йиллигини муносиб кутиб олиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Айниқса, кимёгарлар, саноатчилар, энергетиклар, цементчилар ҳар қачонгидан ҳам зўр кайфият, ташаббус кўрсатиб ишлашяпти. «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида, электрлашган химия корхонасида, машинасозлик заводи ва конметаллургия комбинатида, Навоий ГРЭСида қомуснома бир йиллигига бағишланган учрашув ва суҳбатлар бўлиб ўтмоқда. Бу учрашувларда ҳуқуқ-тартибот органлари ҳуқуқшунослари, сиёсатшунос олимлар, фан арбоблари билан бир қаторда вилоят ҳокимлик тизимининг масъул ходимлари, ХДП вилоят Кенгаши ходимлари ҳам фаол иштирок этаётир.

Куни кеча эса вилоят ҳокимлигида байрамга тайёргарлик кўриш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан навбатдаги йиғилиш бўлиб ўтди. Шунингдек, ушбу йиғилишда иштирок этган ЎзХДП партияси вилоят кенгашининг биринчи котиби, байрамни ўтказиш комиссияси аъзоси Б. Рўзиев ҳам сўзга чиқиб, байрам дастурлари ва тадбирлари хусусида тўхталиб ўтди. Маърузачи айниқса, вилоят уруш фахрийлари кенгаши 4 декабрда байрамолди меҳнат шанбалиги ўтказиш борасида ватанпарварлик ташаббуси билан чиққанлигини қўллаб-қувватлади.

Ҳа, 4 декабрь куни навоийлик уруш ва меҳнат фахрийлари оммавий меҳнат ҳашарини уюштириб ҳар бир фахрий 3 тупдан мевали ва манзарали кўчат ўтказишмоқчи. Буни кекса авлод вакилларининг хайрли ҳиммати, дейиш мумкин. Бу сингари ташаббусни ёқлаб чиққан вилоятдаги бошқа ташкилот ва корхоналар жамоалари ҳам вилоят марказини янада кўркам, обод қилиш учун байрамолди шанбаликлар ташкил этишга қарор қилишди.

Хуллас, қомуснома байрамига Навоийда зўр тараддуд кўриляпти. Шу куни вилоят маркази ва туманларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, савдо ярмаркалари уюштиришга, турли халқ ижодий конкурслари ташкил этишга ҳам жиддий киришиляпти.

М. ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДА «СЎМ—КУПОН» МУОМАЛАСИ ТАРТИБИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Истеъмол бозорини муҳофаза қилиш, пул муомаласини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида «Сўм—Купон»ларни жорий этиш борасида ҳукуматнинг илгари қабул қилган қарорларига ҳамда уларнинг муомала тартибини янада такомиллаштириш зарурлигига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Белгилаб қўйилсинки, 1993 йилнинг 6 декабридан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида 1993 йил 15 ноябрда муомалага чиқарилган қиймати 1, 3, 5, 10, 25, 50, 100, 200, 500, 1000, 5000, 10000 бўлган «Сўм—Купон»лар қонуний тўлов воситаси ҳисобланади.

«Сўм—Купон»лар Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида давлат, кооператив ҳамда бошқа корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоа хўжаликлари ва аҳоли томонидан барча турдаги тўловларга, шунингдек, банк муассасалари ва Алоқа вазирлиги корхоналари томонидан жорий ҳисоб-китоб счетларига, омонатларга, аккредитивларга қўшиш учун ва пул ўтказиш учун тўловларсиз қабул қилиниши мажбуридир.

Россия банкининг 1993 йилда чиқарилган барча қийматлардаги қоғоз пуллари Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида «Сўм—Купон»лар билан бир қаторда тўлов воситаси сифатида чекловларсиз қабул қилинади.

2. Товарлар ва хизматларнинг ҳақини тўлаш учун «Сўм—Купон»лар билан бир қаторда СССР давлат банкининг 1961—1992 йилларда чиқарилган қуйидаги қоғоз пулларидан:

қиймати 50 ва 100 рубль бўлган пуллардан — 1993 йилнинг 15 декабригача;

қиймати 1, 3, 5, 10 ва 25 рубль бўлган пуллардан 1994 йилнинг 1 январигача бўлган муддатда тўлов воситаси сифатида фойдаланиш мумкинлиги белгилаб қўйилсин.

Мазкур қоғоз пулларни 1993 йилнинг 6 декабридан бошлаб Ўзжамғармабанк муассасалари омонатларга қабул қилмайдилар.

3. «Ўзбексавдо» давлат уюшмаси, Ўзбекбирлашув тизимларидаги улгуржи ва чакана савдо корхоналари, савдо тармоқларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар:

майда улгуржи савдо тариқасида корхоналар ва ташкилотларга ноозиқ-овқат товарларини сотишдан ташқари, 1993 йилнинг 6 декабридан товарларни яна сота бошласинлар;

бозор фондидаги озиқ-овқат маҳсулотларини фақат болалар муассасаларига, шифохоналарга, даволаш-профилактика муассасаларига, дам олиш уйларига, кексаларнинг интернатларига, ногиронлар учун мўлжалланган уйларга, ўқув муассасалари ҳамда бошқа ижтимоий-маданий муассасаларга сотсинлар;

чеклар ва чек дафтарчалари бўйича товарлар сотишни белгиланган тартибда чекловларсиз амалга оширсинлар.

4. Товарларни сотишдан ва пулли хизматлардан тушадиган пул даромадларининг ҳолатини назорат қилиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 19 ноябрдаги 561-сон қарорига мувофиқ Марказий банкнинг туман, шаҳар муассасалари ҳузурида тузилган комиссиялар пул топширувчи ҳар бир корхона, муассаса ва ташкилотдан тушган «Сўм—Купон»лар ва рубллардаги даромадларни албатта ҳар куни инкассация қилиш, тезкорлик билан ҳисобга олиш, таҳлил этиш борасидаги ишларни кучайтирсинлар.

Даромадни инкассация қилиш борасида белгиланган тартибни бузиш ҳоллари аниқланган тақдирда амалдаги қонунларга мувофиқ тезкорлик билан чоралар кўрилсин.

5. Ўзжамғармабанк муассасалари 1993 йилнинг 6 декабридан бошлаб 200 минг рублдан ортиқ бўлган алоҳида, махсус фоизсиз счётларга қўйилган омонатлардан ташқари, фуқароларнинг счетларидан товарлар сотиб олиш ва хизматлар ҳақини тўлаш учун омонатчининг хоҳишига кўра ҳисоб-китоб чеклари ва чек дафтарчаларини бера бошласинлар. Ўзжамғармабанк муассасалари фойдаланилмаган ҳисоб-китоб чекларининг ҳақини «Сўм—Купон»лар билан тўламайди.

6. Ўзжамғармабанк муассасалари нақд «Сўм—Купон»лар билан таъминлаб борилишига қараб 1994 йилнинг 1 январидан бошлаб омонатлар нақд пул билан берилсин.

7. Ушбу қарор қандай бажарилаётганини назорат қилиш Республика комиссиясининг раиси ўртоқ А. Муталов зиммасига юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 30 ноябрь.

• Ўзбекистон ва жаҳон

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Аввал хабар берганимиздек, шу йилнинг 22—25 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошлиқ Ўзбекистон давлат делегацияси Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган қироллигида расмий-амалий сафарда бўлишди. Мухбиримиз мазкур делегация аъзоларидан айримлари билан учрашиб, сафар натижалари ҳақида гапириб беришни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири Жўра АБДУЛЛАЕВ:

— Сафарнинг биринчи куни Америка телефон ва телеграф корпорацияси Европа бўлимининг бошлиғи Жонатан Коллинз жаноблари қабул қилдим. У Ўзбекистон Марказий банки ва Молия вазирлиги раҳбарларининг АҚШга бўлган сафари вақтида Республика Банк автоматлаштириш соҳасида келишилганлигини менга маълум қилди. Учрашишдан мақсад — фирма томонидан тайёрланган шартнома лойиҳасини мен орқали талабгорларга етказиш эканлигини айтди.

Биз республика Олий Кенгаши комиссияси раиси Э. Воҳидов ва Нукус пединститути ректори Ж. Бозорбоевлардан иборат гуруҳ дастурига биноан Британия Кенгашида бўлдик. У ерда бизни Кенгаш бош директори ёрдамчиси Е. Мардсен ва Кенгашнинг Шарқий ва Жанубий Европа регионал директори Жерри Ийрес жаноблари қабул қилишди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ўқув юртлари ўқитувчилари учун 1993 йил октябрь ойида Тошкент, Самарқанд ва Андижонда ташкил этилган семинарлар муваффақият билан ўтганлиги қайд этилди. Ёзлик мактабларга Ўзбекистондан 10 ўқитувчига жой берилганлигининг жуда оз эканлиги ва бу миқдорни кўпайтириш лозимлиги айтилди. Е. Мардсен, бу масала кенгашининг Туркиядаги вакили Монтфорд орқали ҳал қилиниши лозимлиги ва унга хабар беришни айтди. Талабаларни Британия университетларида ўқишини ва бу ерда диплом ишлари ёзиши ҳақида фикр алмашдик. Ўзбекистонга китоблар, дарслик ва журналлар юбориш масаласи, умуман бу мақсадлар учун 10 минг фунт стерлинг маблағ ажратилганлиги ва китоблар юбориш бошланганлигини баён этишди. Тошкентда чет эл китоблари махсус дўконини очиш ҳам лозимлиги таъкидланди.

Президентимиз И. Каримовга сафар чоғида кўрсатилган юксак даражадаги ҳурмат-эҳтиром менда ажойиб таассурот қолдирди. Бу ҳурматлар Ватанимиз халқларининг истиқлол йўлида олиб бораётган тинимсиз меҳнати Буюк Британия раҳбарияти, саноат ходимлари, илмий жамоатчилиги томонидан тан олинганлигининг нишонасидир. Қабул қилинган ҳужжатлар вазирлик мутахассислари ва ўқув юртлари ходимлари учун Англия билан ҳамкорликнинг ривожланишида асос бўлади. Лондонни тарк этаётган ҳаяжонли дақиқалардан илҳомланиб ўзимча қуйидаги сатрларни ҳижжаладим:

Лондон!
Ажойиб туманларни забт этган мамлакатнинг марказидурсан,
Ўзбегим вакилига зўр илтифот, муҳаббат кўргазибдурсан,
Ширин сўз-у такаллуф бирла меҳмонлар кўнглини овлаб,
Ниҳоят барча мақсадга ечим топган дўсти — азиздурсан.

• • •

Ўзбекистон озиқ-овқат саноати концерни раиси Неъматулла ҲАМИДОВ:

— Лондонда жойлашган Буюк Британия — Америка тамаки компаниялари гуруҳи «БАТ — Индастриз» (бош директорлари Ник Брук, Вильям Веллс, Роллан Рис), Буюк Британия озиқ-овқат саноати концернуми (раис Рональд Макинтош) шакар, кофе, какао ва бошқа маҳсулотлар билан улгуржи савдо қиладиган «МЭН» фирмаси (вакили Митхат Ўзбек, Хелен Фаирламб) билан учрашиб музокаралар олиб бордик.

«БАТ—Индастриз» вакиллари учун Ўзбекистон азалдан таниш. Улар Тошкентда бир неча маротаба бўлишган. «БАТ—Индастриз» ва «Ўзозиқовқатсаноати» концерни орасидаги ўзаро муносабатлар ҳақида октябрь ойида имзоланган меморандумнинг бажарилиши муҳокама қилинди. Маълумки, «БАТ—Индастриз» сигарет ишлаб чиқариш, тамаки барги тайёрлаш ва сотиш, шахсий молия ва суғурта соҳасидаги дунёдаги энг йирик компаниялардан бири ҳисобланади. Компаниянинг 50 мамлакатда 60 та корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Компания тамаки етиштиришда, қуритишда ва тамаки баргини қайта ишлашда дунёда биринчи ўринда туради. Ўтказилган музокаралардан мақсад Ўзбекистондаги мавжуд сигарет фабрикаси ва тамаки ферментация заводларини қайта жиҳозлаш ва кенгайтириш асосида Ўзбекистон миллий тамаки компанияси сифатида қўшма корхона ташкил этишдан иборат. Бу эса ҳозирги 4—5 миллиард донадан 20 миллиард донага етказиш, тамакининг экспортбоп янги навларини жорий этиш, тамаки етиштириш ва қайта ишлаш технологиясини халқаро андозалар асосида ташкил этиш, тамаки маҳсулотларига фақат ички бозор эҳтиёжини қондириш эмас, балки халқаро бозорга чиқиш учун ҳам имконият яратади.

Бу тадбирларни амалга ошириш учун «БАТ—Индастриз»нинг хусусий маблағларидан 1993—1996 йилларда 150 млн. доллардан кўпроқ сармоя сарфлаш кўзда тутилмоқда.

Юқорида эслатиб ўтилган Британия озиқ-овқат саноати концернуми билан «Ўзозиқовқатсаноати» концерни ўртасида қўшма корхоналар тузиш имкониятларини ўрганиб чиқиш, «МЭН» фирмасидан шакар ва какао боби сотиб олиш масаласи бўйича коммерция таклифлари бериш ҳақида ҳам аҳдлашиб олинди.

Шуни қайд қилиб ўтиш керакки, Президентимизнинг Британия саноатчилари конфедерациясида сўзлаган нутқидан ҳамда ўтказилган матбуот конференциясидан кейин Британия тадбиркорлари томонидан республикамизга қизиқиш, ўзаро манфаатдор ҳамкорликка интилиш яққол сезилиб турди.

Суҳбатдош:
Шуҳрат ЖАББОРОВ.

ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ ҚАТТИҚ ТЕЖАЛСИН

30 ноябрь куни Тошкентда ёнилғи-энергетика ресурсларини тежаш комиссиясининг мажлиси бўлди. Мажлисни Ўзбекистон республикаси бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков бошқарди. Ў мазкур комиссия ишига раҳбарлик қилади.

Илгари қабул қилинган қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат акционерлик бирлашмаси, Ўзбекистон нефть инспекцияси, Ички ишлар вазирлиги ёнғиндан сақлаш бошқармаси ва давлат назорати комитети мутахассислари иштирокида Қорақалпоғистонда, республика вилоятлари ва Тошкент шаҳрида турли идораларга қарашли нефть омборлари ва ёнилғи қуйиш станциялари текширилди. Шу текшириш материаллари комиссияга тақдим этилди. Маълум бўлишича, нефть маҳсулотларини қабул қилиб олиш, сақлаш ва фойдаланиш чоғида жиддий хатоларга йўл қўйилмоқда, нефть омборларининг техник ҳолати белгиланган қоидаларга мувофиқ эмас. Бунинг оқибатида, мисол учун, Қорақалпоғистоннинг ўзида ҳар йили 650 тоннадан кўпроқ нефть маҳсулотлари исроф бўлмоқда. Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Андижон, Навоий, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари ҳамда Наманган шаҳридаги нефть омборларида ҳам аҳвол шундай. Қишлоқ хўжалик вазирлиги, Коммунал хизмат вазирлиги, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминот у з а тиш», паррандачилик саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзколхозқурилиш» давлат-кооператив бирлашмаси ва «Ўзсувқурилиш» давлат концерни корхоналарида нефть маҳсулотларини сақлаш, ҳисобга олиш қоидалари кўпол равишда бузилаётгани, ёнғиндан асраш қоидаларига, риоя қилмаслик, ёнилғимойлаш материалларини ноўрин қилиш ҳоллари аниқланди. Ёнилғи ва мойлаш материалларини шахсий машина эгаларига бериш ҳоллари қайд этилди.

Комиссиянинг қарори билан автомобиль ёнилғисидан бошқа мақсадларда, яъни нонвойхоналарда, ҳаммомларда, маъмурий-маиший ва ишлаб чиқариш биноларини иситиш учун фойдаланиш қатъий таъқиқлаб қўйилганига қарамай, бундай аҳвол ҳануз давом этмоқда. Умуман, нефть маҳсулотларидан бошқа мақсадларда фойдаланиш авж олиб кетган. Чунончи, Ўзбекбирлашув корхоналарида йил бошидан буён ана шундай мақсадлар учун салкам бир ярим минг тонна дизель ёнилғиси, Ўзбекистон паррандачилик саноати бирлашмаси тизимида 180 минг тонна, Қишлоқ хўжалик вазирлиги бўлинмаларида 149 тонна, Қорақалпоғистон «Пиллачилик» ишлаб чиқариш бирлашмасида 72 тонна дизель ёнилғиси сарфланган. Бу рўйхатда бошқа жуда кўп корхоналар ва ташкилотлар номи бор.

Комиссия бир қанча вазирликлар, идоралар, ҳокимликлар раҳбарларининг эътиборини нефть маҳсулотларидан фойдаланишда катта хатоларга йўл қўйилаётганига қаратди. Комиссия қарорида вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари тегишли хулоса чиқариб олмаганликлари, жойларда назоратни таъминламаганликлари таъкидланди, нефть маҳсулотларидан фойдаланишда қоидани бузган кишиларнинг шахсий жавобгарлиги масаласини кўриб чиқиш ва уларнинг эгаллаб турган лавозимида қолиш-қолмаслигини ҳал этиш тавсия қилинди. Комиссия ташкилот раҳбарларига нефть маҳсулотларини сақлаш ва фойдаланиш чоғида интизомга қатъий риоя қилишни таъминлаш юзасидан қисқа муддатда тегишли чоралар кўришни топширди.

Комиссия мажлисида газни ҳисобга оладиган асбобларни жорий этиш юзасидан қандай ишлар қилинаётгани кўриб чиқилди. Табиий газдан фойдаланиш ҳажми ортиб бораётганига қарамай, шу газдан фойдаланаётган саноат корхоналарининг атиги 69 фоизи ва коммунал хўжаликларининг атиги 8 фоизи газни ҳисобга олиш асбоблари билан таъминланган. Аҳолида эса бундай ўлчов асбоблари умуман йўқ. Газни ҳисобга олиш асбобларини яратиш ва жорий этиш ишлари эндигина бошланмоқда.

Газ сарфини ҳисобга олишни такомиллаштириш ва бундай асбобларни жорий этишни тезлатиш учун комиссия газни ҳисобга олиш асбобларини тайёрлайдиган ва истеъмолчиларни таъминлайдиган ишлаб чиқариш базасини барпо этиш ҳақида қарор қабул қилди.

Комиссия мажлисида республика Бош вазирининг ўринбосарлари А. Возненко, К. Тўлаганов, Қ. Ҳаққулов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг ўринбосарлари, вазирликлар, идоралар, концернлар, корпорациялар, бирлашмаларнинг раҳбарлари иштирок этдилар.

(ЎзА).

БМТ КОМИССИЯСИНИНГ СЕМИНАРИ

1 декабрь куни Тошкентда «Иқтисодий ислоҳотлар: ўтиш даври» мавзусидаги амалий семинар иш бошлади. Уни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Осиё ва Тинч океан мамлакатлари учун иқтисодий ва ижтимоий комиссияси (ЭСКАТО) Ўзбекистон ҳукумати билан ҳамкорликда ташкил этган.

(ЎзА).

1993 йилнинг 7-11 декабрь кунлари

Ўзбекистон рассомлари Уюшмасининг Кўргазма зали

Жихозлар, қурилиш материаллари ва уларни ишлаб чиқариш технологиясининг Ҳалқаро кўргазмаси

ҚУРИЛИШ САНОАТИ-93

* Лойиҳалаш, технологиялар, системалар
* Қурилиш материаллари, шу жумладан мармар, гранит ва бошқа табиий тошларни ишлаб чиқариш учун технология ва жиҳозлар
* Ғишт ва оловбардош материалларни ишлаб чиқариш учун технология ва жиҳозлар
* Кулолчилик буюмларини ишлаб чиқариш учун технология ва жиҳозлар
* Бетон ва цементни тайёрлаш ва транспортировка учун машина ва жиҳозлар
* Ер ишлари учун машиналар
* Материалларни транспортировка, сақлаш, юклаш ва жойлаш учун машиналар
* Изоляцион материаллари, уларни ишлаб чиқариш учун жиҳозлар
* Дераза ва эшик ромлари ва анжомлари
* Электрогенератор системалари
* Компрессорлар
* Кондиционерлар
* Санитария техникаси ва уни ишлаб чиқариш учун жиҳозлар
* Кулолчилик плиткалари
* Кранлар ва қорғичлар
* Мебель

Олмония, Италия, Польша, Россия, АҚШ, Ўзбекистон, Франция, Швейцарияларнинг етакчи фирмалари кўргазмада иштирок этади

Ташкилотчилар:
Ўзбекистон Давлат "Ўзқурилишматериаллари" концерни,
"Ўзбегим Интернейшнл" Қушма корхонаси,
"Негус Экспо" корхонаси


Кўргазманинг иш вақти соат 10.00дан 17.00гача

• ХДП ҳаётидан

ОЧИҚ МУЛОҚОТ

УЗБЕКИСТОН — ГФР: ИЖТИМОИЙ АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНАДИ

● «Биз экспорт қиладиган маҳсулот ижтимоий йўналишдаги бозор муносабатларидир» — ГФРнинг таниқли жамоат арбоби, Бундестаг депутати Хайнц Шварц Тошкентга қилган сафаридан кўзда тутилган мақсадни шундай ифодалади.





СУРАТЛАРДА: мулоқот пайтида.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.

Ўзбекистон ва Германия Федератив Республикаси ўртасида фақат давлатлараро эмас, балки ижтимоий алоқалар ҳам мустаҳкамланиб бормоқда. Ноябрь ойида мамлакатимизнинг обрўли делегацияси (унинг таркибида ушбу сатрлар муаллифи ҳам бор эди) ГФРда бўлиб, ҳукумат раҳбарлари, Бундестаг (парламент), сиёсий партиялар, ишбилармонлар ва илмий доиралар билан кенг мулоқотда бўлди. Германияда ким билан суҳбатлашмайлик, улар Президентимиз И. А. Каримовнинг Ўзбек-Герман муносабатларида кенг уфқлар очган ташрифи таъсири остида яшаётганликлари сезилиб турарди. Делегациямизнинг у ердаги асосий шериги — ГФРнинг биринчи федерал канцлери, Христиан-демократик иттифоқи асосчиси Конрад Аденауэр номидаги обрўли жамғарма эди. Бу партия бошқарувчи партиялар коалициясига бошчилик қилади.

Кейинроқ биз Тошкентда Аденауэр жамғармасининг етакчи арбоблари ва экспертларидан ташкил топган делегация билан учрашдик. Улар бу ерга ижтимоий йўналишдаги бозор иқтисодиёти муаммолари бўйича халқаро семинар ўтказиш учун келган эдилар. 40-йилларнинг охирларидан бошлаб 70-йилларгача ГФРда узоқ вақт дадиллик билан одимлаган ислоҳотлардаги ижтимоий йўналиш ва юксак малакали, интизомли меҳнат бозор муносабатлари муваффақиятини таъминлаган эди. Бугунги кунда ГФРда кўп жиҳатдан инсонга боғланиб қолган маданий бозор фаолият кўрсатяпти. Айни шу ҳақда Бундестаг депутати, Аденауэр жамғармаси раҳбари Х. Шварц Ўзбекистон мутахассисларига зўр билимдонлик ва маҳорат билан сўзлаб берди.

Х. Шварц 32 йилдан бери Бундестаг депутати ҳисобланади. У партия қалби ва юраги бўлган Христиан-демократик иттифоқи фахрийларидан биридир. Унчалик катта бўлмаган Рейнланд-Пфальц (ГФР таркибидаги 16 та давлат тузилмасидан бири) қишлоғида туғилиб ўсган меҳмонимиз сиёсий фаолиятнинг маданият, сабр-тоқат намунаси ҳисобланган. У «герман иқтисодий мўъжизаси» технологиясини Ўзбекистондаги ўз суҳбатдошларига жон деб тушунтириб бериш иштиёқи билан тўлиб-тошган. Меҳмонимиз Германия ва Туркия, бошқа Шарқ мамлакатлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшган кишиларнинг бири. У ўз маблағи ҳисобидан Германияда Ўзбекистон тўғрисида бюллетен нашр этмоқда. Бу гал унинг Тошкентга тўртинчи бор келиши. Қалбимизга яқин бўлган салом-алик, ҳурмат-эҳтиромни ўзбекларга хос бўлган гилда ифодалаши шундандир.

Жаноб Шварц Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаолларида ижтимоий асосдаги бозор муносабатлари ривожига бўлган катта қизиқишни билгач, Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгашида учрашув ўтказишга жон, деб розилик билдирди. У билан бирга Аденауэр жамғармасининг Туркиядаги вакили, жамғарманинг Тошкентдаги мустақил ваколатхонаси очилгунча барча тадбирларни мувофиқлаштириб турувчи доктор Майер ҳам меҳмонимиз бўлди. Мустақил ваколатхонанинг очилишига бағишланган тантаналар келаси йилнинг баҳорида бўлади.

Жаноб Шварц ўз сўзининг дастлабки жумлаларидаёқ бозор муносабатларида меҳнатнинг ролини алоҳида таърифлаб ўтди, шу билан бир зумда партиямиз аудиторияси ишончини қозонди. «Марказий Осиёдаги, барқарорлик тўлалигича Ўзбекистондаги барқарорликка боғлиқ» — унинг яна бир муҳим хулосаси шундай бўлди. Тажрибали немис сиёсатчиси ўзининг ниҳоятда ўткир ва доно руҳшунос эканлигини, мустақил Ўзбекистон халқи бошидан кечираётган қийинчиликларни яхши билувчи ва унинг истиқболи ислоҳот йўлида эканлигига ишонч ҳосил қилган инсон сифатида намоён этди. «Одамларга, энг аввало, ёшларга ишончли истиқбол бахш этиш керак. Буни фақат бозор муносабатлари ва демократия бериши мумкин» — депутат Шварцнинг умумлашган хулосаси шундай бўлди.

ХДП раҳбарияти ва ҳукуматга яқин бўлган меҳмонимиз сўзларидан маълум бўлдики, Германияда Ўзбекистонга бўлган қизиқишнинг ортаётганлиги Евроосиё сиёсий ва иқтисодий кенглигининг бирлиги тушуниб етилганлиги, мамлакатимиздаги аҳволнинг барқарорлиги самарасидир. Меҳмонимизнинг «Ўзбекистон хом ашё базасидан тезроқ юксак ривожланган, бутун жаҳон билан тенг ҳуқуқли иқтисодий шерикчилик қила оладиган мамлакатга айлансин» деган истакларини йиғилганлар самимий қарши олдилар.

Жаноб Шварцнинг партиямиз фаоллари саволларига берган жавобларида ошкоралик сезилиб турди. Биз турли партияларнинг парламентдаги баҳсли масалалардаги келишувини, ёшлар бирлашмаларининг ижтимоий ролини, партиялар ва улар етакчиларининг ўзаро муносабатларини яхшироқ билиб олдик. «Сиёсий келишувчилик демократия механизми ҳисобланади, шунинг учун ҳам Конституциядан ва қонунлардан келиб чиққан ҳолда турли партияларнинг умумий принципларини қабул қилиш зарур» деган меҳмоннинг нуқтаи назари барча томонидан қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон ХДП фаолларининг Аденауэр жамғармасининг етакчи арбоблари билан учрашуви оддий воқеа эмас. Учрашув бизга ҳам, меҳмонларга ҳам очиқ мулоқотнинг муҳимлигини, ўтмишдан сақланиб келаётган бир қолипдан чиқиш, ўзаро ҳадиксирашлардан қутилиш зарурлигини кўрсатди. Партиямиз дастурий вазифаларига мос бундай ҳамкорликнинг моҳияти халқларимизнинг бир-бирига яқинлашувида намоён бўлади.

Ш. ШОИСЛОМОВ,
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгашининг биринчи котиби.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ—УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

Алоҳида қоида киритилса

Сайловларни демократик тамойиллар асосида ташкил этиш жамиятда адолат барқарор ҳукмрон бўлишини таъминлайди. Шу боис умумхалқ муҳокамасига қўйилган Қонун лойиҳаси фақат Олий Мажлиснигина эмас, бутун мамлакатнинг истиқболдаги қиёфасини белгилаб беради.

Биз мустақил ҳуқуқий давлат барпо этяпмиз. Унда қонуннинг устивор бўлиши, адолат ҳаётнинг бош мезони қилиб олиниши, инсон ҳуқуқларининг тобора кенгроқ муҳофаза этилиши ғоятда муҳимдир. Лойиҳани тўла маъқуллаган ҳолда юқорида кўзда тутилган манфаатлар нуқтаи назаридан бир муҳим тузатишни таклиф қиламан.

Сайловнинг кўппартиялилик асосида ўтказилишини кўзда тутувчи шартлар лойиҳанинг муҳим ютуғидир. Аммо лойиҳадаги 22-модданинг иккинчи банди билан Конституциямизнинг 117-моддаси биринчи банди ўртасида номувофиқлик бор. Асосий Қонунда ҳар бир фуқаронинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган. Лойиҳанинг мазкур моддасида эса фуқаронинг Олий Мажлис депутатлигига сайланиши учун унинг номзоди сиёсий партия ёки вилоят Кенгашлари томонидан кўрсатилиши шарт қилиб қўйилган.

Ҳокимият ҳам, сиёсий партиялар ҳам турган гапки, муайян кишиларнинг номзодлари сайланишидан манфаатдор. Шу сабабли бошқа кишиларнинг сайланиш ҳуқуқи чекланади. Ана шу мулоҳазалардан келиб чиқиб, Олий Мажлисга сайланишни истаган ҳар бир фуқаро сайлов округида сайловчилар умумий сонининг ўндан бир қисми имзосини тўпласа, мустақил номзод сифатида рўйхатга олинишга йўл қўйиш ҳақида Қонун лойиҳасига алоҳида қонда киритиш керак, деб ўйлайман.

А. ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон ХДП Самарқанд шаҳар кенгаши бўлим мудири.

Истиқлолга эришган республикамиз иқтисодиётидаги туб ислоҳот ва бурилишлар, халқ хўжалигининг бозор иқтисоди томон юз буриши маънавий ҳаётда акс этиши шубҳасиз. Шундай экан, ғояларнинг самарали таъсири ҳаётга татбиқ этилмоғи керак. Табиийки, сўз мафкура масаласига бориб тақалади. Зеро, инсоннинг танаси жонсиз, руҳсиз яшаши мумкин бўлмаганидек, жамият ҳам муайян мафкурага эга бўлмасдан ҳаёт кечира олмайди.

• *Китоблар оламида*

МАФКУРАМИЗ МАҚСАДИНИНГ ЧИЗГИЛАРИ

Борди-ю биз истаган мафкура бўлмас экан, биз истамаган мафкура амал қила бошлайди. Шунинг учун ҳам Президентимиз И. А. Каримов «Олдимизда турган энг муҳим масала, бу миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётимизга татбиқ этиш», — деб алоҳида уқтириб ўтган эди. Ўзбекистон зиёлилари ҳозир бу ҳақда жиддий изланиш олиб бормоқдалар.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти олимлари Жондор Туленов, Комил Юсупов ва Зоҳир Ғофуровлар томонидан «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган «Истиқлол ва тараққиёт мафкураси: мақсад ва йўналишлари» рисоласи фикримизнинг далилидир. У «Мустақиллик мафкурасини яратиш—давр тақозоси» деган бўлим билан бошланади. Бу ўринда мустақиллик мафкурасининг яратилиши ҳозирги миллий истиқлол тақозо этаётган эҳтиёж эканлиги асосланади.

Ана шу мафкура олдида турган мақсад ва вазифалар муайянлаштирилади, асосий йўналишлари кўрсатиб берилади. «Биз эртанги кунга— келажакка томон кўз юмиб, таҳминларга асосланиб, таваккалчасига иш тутиб бора олмаймиз, — деб ёзишади муаллифлар. Кишилар ҳозирданоқ биз қайси йўлдан борамиз, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий муносабатларнинг қандай шаклини яратамиз, ўз тарихий тажрибамизнинг, жаҳон тараққиёти сабоқларининг қайси жиҳатларидан фойдаланамиз, келажакда Ўзбекистонни қандай қилиб буюк давлатга айлантирамиз, мустақиллик муаммоларини ҳал этиш учун нималарга эътиборимизни қаратишимиз керак, деган ўнлаб, юзлаб саволларга жавоб топмоқлари зарур». Китобда юртбошимизнинг рисолалари, суҳбатлари, нутқларида баён қилинган оқилона кўрсатмалардан келиб чиққан ҳолда мазкур саволларга асосли, илмий жавоб беришга ҳаракат қилинган.

Муаллифлар мафкуранинг жамиятнинг ривожланиши, олға томон ҳаракат қилишини осонлаштириш, миллатни, барча фуқароларни умумий мақсад йўлида бирлаштирувчи омил эканлигини ҳам тўғри таъкидлашган. Шунингдек, истиқлол мафкурасининг мақсад ва вазифаларига доир қайдлар ҳам ўринлидир. Айни мафкуранинг асосий мақсадларидан бири — Ўзбекистон ҳудудида яшовчи ҳар бир фуқарони, ҳар бир миллат ва элат кишиларини баркамол инсон қилиб тарбиялаш, мустақилликнинг онгли фидойисига айлантиришдан иборатлиги асослаб берилган.

Китобнинг кейинги бўлимларида миллий истиқлол мафкурасининг иқтисодий соҳадаги мақсадлари, ижтимоий-сиёсий жабҳалардаги йўналишлари, шунингдек, маданий-маънавий тараққиёт хусусиятлари борасидаги фикр-мулоҳазалар ўз ифодасини топган. Бу фикр-мулоҳазалар аниқ ва лўндалиги, жамиятимизнинг бугунги ҳолатига уйғунлиги, чуқур илмий таҳлилга асосланганлиги билан диққатга сазовордир.

Рисоланинг сўнгги бўлими истиқлол мафкурасини ҳаётга татбиқ этиш йўлларининг тадқиқига бағишланган. Ҳар қандай янги ғоя энг аввало оммани онгига чуқур кира олсагина, у ижтимоий куч сифатида самара беради. Муаллифлар буни тўла англаган ҳолда истиқлол мафкурасининг тарғиби, уни халқ орасида жадал ва кенг ёйишнинг йўл ва усулларини тавсия этганлар.

Таниқли олимларнинг бу рисоласи Ўзбекистонимиз мустақиллигини мустаҳкамлашдай муқаддас ишга муносиб улуш бўлиб қўшилиши шубҳасиз.

Низомиддин МАҲМУДОВ,
Боқижон ТЎХЛИЕВ,
филология фанлари докторлари, профессорлар.

• *Истиқлол куртаклари*

АКАДЕМИК ҚИШЛОҚДА ЯШАЙДИ

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ ОҚОЛТИН ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ КОЛЛЕЖИДА 650 КИШИ «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА БЎЛДИ

Таништинг: Ёвқочди Ҳайдаров. 1945 йил Фориш туманининг Осмонсой қишлоғида туғилган. Ўн бёш йилдан бери Оқолтин гидромелиорация техникуми, сўнг коллежига раҳбарлик қилмоқда. Педагогика фанлари доктори, профессор. 1993 йилнинг июнь ойидан бошлаб Россия Халқаро Педагогика фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси, Сирдарё вилоят Кенгаши депутати, ХДП аъзоси, олти фарзандининг отаси.

— Ёвқочди ака, номи республикада кенг тарқалган коллежингиз ҳақида гапириб берсангиз.

— Дастлаб 1965 йил Янгиер шаҳрида Тошкент гидромелиорация техникумининг филиали сифатида фаолият кўрсата бошлаган бу ўқув маскани орадан уч йил ўтгач, кўриқ воҳанинг мустақил билим юртларидан бирига айланди. 1975 йилга келиб эса Сардоба қишлоғи, яъни Оқолтин туманининг марказида биз учун бунёд этилган замонавий бинога кўчиб ўтдик.

Коллежимиз республика Давлат сув қурилиши концернига қарашли билим даргоҳларидан. Демоқчиманки, ҳомийларимиз томонидан қўйилаётган талаблар ҳам, шунга яраша эътибор ҳам катта. Билим даргоҳи йил сайин ривожланиб бормоқда. Мана, баъзи мисоллар: техникум очилган дастлабки йили унда 186 нафар талаба таълим олган эди. Ҳозир эса 1116 ўқувчи таҳсил кўраётир, 86 нафар педагог, икки фан номзоди улар хизматида.

— Ёшлар кўпроқ қайси мутахассисликларга мойиллик билдиришади?

— Биз асосан республикамизнинг суғориш ва мелиорация ишларини олиб бораётган, сув қурилиши ишларини амалга ошираётган деярли барча вилоятлари учун мутахассислар тайёрлаймиз. Шу боис қишлоқда яшайдиган, дала-сув техника ишлари билан боғлиқ барча ёшлар учун коллежимиз ҳар томонлама фойдали. Асли техникум очилган йиллари фақатгина гидротехника ва гидромелиорация бўлимлари бор эди, холос. Ҳозир эса ишлаб чиқаришнинг етти соҳаси бўйича бўлимлар мавжуд. Булар ичида энг йириги юк ташиш автомобилларидан фойдаланиш ва юк ташишни ташкил этиш бўлимидир. Унда ўқувчиларимизнинг деярли учдан бир қисми таълим олаётир. Ёшлар ўртасида гидромелиорация билан бирга транспорт воситаларининг ишини ташкил этиш касби катта қизиқиш уйғотмоқда.

— Сизнинг академик бўлганингиз тўғрисидаги хабар кўпчиликда қизиқиш уйғотди...

— Бунга коллежимизда яратилган юксак ва замонавий ўқув-лаборатория базалари, таълим-тарбия жараёнларининг талаблар асосига қўйилгани сабаб бўлса керак. Россияда Халқаро Педагогика академияси ташкил топаётганидан хабаримиз бор эди. Биз уларнинг таклифларига жавобан, бор ишларимизни керакли ҳужжатларда акс эттирдик. Сўнг академия вакиллари келиб ишларимиз, ўқув жараёнларимиз, олиб бораётган илмий изланишларимиз билан артофлича танишдилар. Кейин бизни Москвага, академия мажлисига чақиришди. Қузатувлар ҳамда илмий ҳисоботлар асосида шу йилнинг июнь ойида бўлиб ўтган йиғилишда мени академиянинг ҳақиқий аъзоси қилиб сайлашди. Сайловда собиқ Иттифоқнинг барча республикаларидан, Аргентина, Бразилия, бошқа кўплаб чет эл мамлакатларидан, жами беш юз нафар йирик педагогика фани намоёндалари қатнашдилар.

— Агар сир бўлмаса, ҳозир коллежнинг етакчи илмий ходимлари қандай муаммолар устида изланишлар олиб боришмоқда?

— Барчасини санаб ўтишнинг иложи бўлмаса-да, баъзи «сир»ларимиз ҳақида тўхталиб ўтсам. Масалан, ўқув хўжалигимизда ҳозир автомат-культиваторни синовдан ўтказаётирмиз. Аспирантимиз Муҳаммаджон Усмонов бу борада кўпдан бери изланиш олиб бормоқда. Олдиндан мақтанмай турайлигу, лекин бу ишимизни муваффақиятли ниҳоясига етказиб олсак, республикамиз техника тараққиётига оз бўлса-да, ҳиссамизни қўшган бўламиз. Ҳозирданоқ бу ишимизга йирик мутахассислар ижобий баҳо беришмоқда. Қисқаси, бу каби ишлар оз эмас.

— Албатта келажакка мўлжалланган режалар, орзу-истаклар ҳам кўп бўлса керак?

— Тўғри айтдингиз. Ўзбекистоннинг истиқлоли ҳаммамизнинг дилимизни орзу-истакларга тўлдириб юборди. Давр ўз қобиғимизда ўралашиб қолмасдан, кенг қулоч ёзиб ишлашни талаб этмоқда. 376 нафар талабамиз Москва шаҳридаги автомобиль заводида, Нижний Новгороддаги йирик Горький автозаводида тўрт ойлик малака ошириш курсларини ўтаб келдилар. Биз Тошкент ҳамда республикамизнинг бошқа шаҳарларидаги касбдош техникум ва коллежлар билан алоқада бўлиб турамиз. Буларнинг бари сўзсиз ишларимиз, таълим-тарбия савиясини давр талаби даражасида ташкил этишни тақозо этади.

Ҳозир ўқув хўжалигимиз ҳудудида еттита янги услубдаги ўқув-синфхоналарини қураётирмиз. Улар битгач, деярли 280 нафар ўқувчи шу ерда ҳам ўқиб, ҳам яшайдилар. Энди бутунлай янги услублар асосида иш олиб боришга имкон яратилади.

Яна бир янги режа ҳақида. Юртбошимиз Ислом Каримов ҳаммамизни жаҳонга юз очишга даъват қилмоқда. Бу бежиз эмас. Бусиз келажакни яратиб бўлмайди. Шундан келиб чиқиб, коллежимиз қошида яқин келажакда Москва Бизнес институтининг филиали, яъни шохобчасини очиш ниятидамиз. Агар режаларимиз амалга ошса, дастлаб шохобчага 200 талаба қабул қилинади. Бизнес институтининг довруғини кўпчилик билса керак. Улардаги машғулотлар жаҳон ва Европа мамлакатлари олий таълим даргоҳлари билан ҳамкорликда олиб борилади. Бу эса қўриқ воҳа механизаторлари фарзандларига зафарлар ёр бўлсин, дейман.

Суҳбатдош:
Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МЕҲНАТГА ЯРАША РАҒБАТ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Навоий шаҳар кенгаши шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда партия фаоллари, меҳнат фахрийлари, байналмилалчи жангчиларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида ҳокимлик бюджетидан бир миллион 117 минг сўм ажратди. Шуниси қувончлики, бу ажратилган маблағнинг ҳаммаси «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» рўзномаларининг обунаси учун сарфланди. Демак, 1994 йилдан бошлаб юз нафар навоийлик муштарий мазкур рўзномаларни йил давомида бепул олиб ўқишади.

Яқинда бўлиб ўтган шаҳар кенгашининг навбатдаги пленумида муштарийларга бепул обуна варақалари тарқатилди.

Уларни ХДП вилоят ва шаҳар кенгашларининг биринчи котиблари Б. Рўзиев ва У. Нарзиевлар топиришди. Бепул обуна бўлганлар орасида А. Шодмонова, В. Жумаев, Э. Каникова, С. Асадова сингари кекса партия аъзолари, маҳалла қўмиталари раислари, тажрибали ҳимёгарлар бор. Шунингдек, пленум якунида партия фаоллари, меҳнат ва уруш фахрийларидан бир гуруҳига Марказий Кенгаш ҳамда вилоят ва шаҳар кенгашларининг Фахрий ёрлиқлари, миннатдорчилик мактублари ҳам топширилди.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

анғилиқлар воқеалар хабарлар

„БИЗ КИМ, МУЛКИ ТУРОН...“

«ТОЖИКИСТОН — ТУРКИЯ» ДЎСТЛИК ЖАМИЯТИ

● ДУШАНБЕ. Яқинда Душанбе шаҳрида «Тожикистон—Туркия» дўстлик жамиятининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Унда жамиятнинг президенти ва президентлик кенгашн аъзолари сайланди.

Маълумки, Тожикистон билан Туркия ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари, ривож топиб бормоқда. Жумладан, Душанбеда 75 ўқувчи таълим оладиган Туркия лицейи, 100 нафар талаба таҳсил кўрадиган иқтисод коллежи очилди. Турсунзода шаҳридаги худди шундай лицейда 60 ўқувчи билим олаётир. Тожикистон техника университети билан Туркиядаги корхоналар ва ўқув юртлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган, республикада бир неча Тожикистон—Туркия қўшма корхонаси ишлаб турибди. Яқинда эса Тожикистон Вазирлар Кенгаши Туркияда Тожикистон Республикаси савдо ваколатхонасини очиш тўғрисида қарор қабул қилди.

МУЗ ҚУРШОВИДА ҚОЛГАН ШАҲАР

● ТОЛДИҚЎРҒОН. Қозоғистоннинг Толдиқўрғон вилоятига келган қаттиқ совуқ бир қатор машаққатни келтириб чиқарди.

Бу ерда кеча-кундуз тинмай ёмғир ёққандан кейин ана шу вазият юз берди. Вилоят маркази муз қуршовида қолди. Йўллар, йўлкалар, уйлар томи ва электр симларида сумалак осилиб ётибди. Жамоат транспарти тўхтаб қолганлиги учун одамлар ишга пиёда боришмоқда. Сумалаклар оғирлигидан дарахтлар синиб тушмоқда. Юзлаб металл устунлар ағанаган ва қийшайган. Шаҳарни ёритиш воситалари бутунлай ишдан чиққан. Бир кеча-кундуз мобайнида шаҳарнинг ярми ва радио ҳамда телевидение электрсиз қолди. Телефон алоқаси бузилган.

Табиий офат оқибатларини тугатиш учун кам сонли авария хизматига мадад бериш мақсадида саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларида тузилган таъмирчилар бригадалари ишга сафарбар этилди. Кўчаларни ахлатдан тозалаш учун ишчилар, хизматчилар, талабалар, ўқувчилар хашарга чиқишди.

ШВЕЙЦАРИЯ ДАСТУРИ

БИШКЕК. Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев Швейцариянинг Қирғизистондаги элчиси Паул Випфлининг ишонч ёрлиғини қабул қилди.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида президент элчига мамлакат иқтисодиётининг ҳозирги аҳволи ҳақида гапириб берди. Элчи ўз навбатида Швейцария ҳукумати Қирғизистонга молиявий ёрдам кўрсатиш учун махсус дастур қабул қилганини айтди.

Швейцария ва Қирғизистон ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганига бир йилдан ошди. Қисқа вақт ичида икки мамлакат ўртасида фаол ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бишкекда «Адил» Швейцария—Қирғизистон банки фаолият кўрсатаётир, республиканинг ўтган йили зилзиладан зарар кўрган тоғли районларида Швейцария департаменти маблағи ҳисобига иккита мактаб биноси қурилмоқда.

ҚОЗОҒИСТОН ОЛТИНИ

АЛМАТИ. 1997 йилга келиб олтин қазиб олиш жиҳатидан Қозоғистон ҳам дунёнинг етакчи мамлакатлари сафидан ўрин олиши мумкин.

Республикада ишлаб чиқилган «Қозоғистон олтини» миллий дастури ана шу мақсадни кўзлайди. Дастурни рўёбга чиқариш ҳаракатлари бошлаб юборилди.

Қимматбаҳо металлар қазиб олиш саноатини ривожлантириш ҳозирча илгариги ишлаб чиқариш қувватлари ёрдамида амалга оширилмоқда. Самаралар ёмон эмас: кейинги икки йил ичида қарийб 223 миллион Америка долларига тенг олтин заҳираси жамланди.

ИЎЛДА ҚЎПОРУВЧИЛИК

● ДУШАНБЕ. 25 ноябрь куни Термиз—Қўрғонтепа темир йўлининг 74 километрида — Тожикистон ҳудудидаги Айвож қишлоғидан 8 километр нарида қилинган қўпорувчилик оқибатида юк ташувчи поезд изидан чиқиб кетган.

Душанбедаги ишончли манбалар «Интерфакс» мухбирини ана шу воқеадан хабардор этганлар. Дастлабки маълумотларга қарағанда темир йўл изини муҳолифатчи жангарилар портлатган.

ҚИРҒИЗИСТОННИНГ «СЕАБЕКО»ГА АЛОҚАСИ ЙЎҚ

● БИШКЕК. Қирғизистон Бош вазири Турсунбек Чингишев Россия марказий матбуотининг машҳур «Сеабеко» фирмаси билан бўлган жанжалда унинг алоқаси борлиги тўғрисидаги хабарларни мутлақо рад этди.

Маълумки «Комсомольская правда» газетасида бу ҳақда босиб чиқарилган мақолада Қирғизистондан Швейцарияга 240 килограмм олтин концентрати олиб кетилганлиги айтилган.

ҚОЗОҒИСТОН НАРХ-НАВОНИ БАРҚАРОРЛАШТИРМОҚЧИ

● АЛМАТИ. Қозоғистонда пул ислоҳоти давом этмоқда.

Аҳолининг турмуш даражасини бир маромда қўллаб-қувватлаш мақсадида республика ҳукумати бошқариладиган баҳоларнинг таҳминий миқдорини тасдиқлади. Бу ҳужжатда амалдаги баҳоларнинг қайта ҳисобланган коэффициенти ва истеъмол молларининг 15 та номи ва кўрсатиладиган хизмат турлари ҳамда ишлаб чиқариш-техника мақсадидаги маҳсулотларнинг айрим турлари кўрсатилган.

(Марказий Осиё давлатлари ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди).

анғилиқлар воқеалар хабарлар

• ЮЗМА-ЮЗ

ОҚПАДАР

Яқинда Ўзбекистон Республикасининг АҚШдаги собиқ элчиси М. Маликов «Озодлик» радиоси мухбирига интервью бериб, ўзининг маънавий қиёфасини ошкор этди. Аслини олганда ким бўлишидан қатъи назар бир одамнинг Ватанини тарк этиши ҳеч қадай фожиа эмас. Бундай сотқинлик турли даврларда, турли ҳолатларда юз берган. Бироқ бу билан мамлакат ва миллат ҳаётида ҳеч нарса ўзгармаган. Фақат у сотқин ва хиёнатчилардан қутилган, холос. М. Маликовнинг ота юртидан кетиб қолиши ҳам Ўзбекистон, унинг шаъни, халқаро обрў-эътибори ва тобора ошиб бораётган нуфузига ҳеч қачон путур етказмайди. Бироқ, унинг чет эл радиоси саволларига берган жавоблари баъзи аниқликларни, ҳақиқат билан юзма-юз туриб гаплашишни тақозо этади. Гарчи доно халқимиз «ит ҳурар, қарвон ўтар» деб бежиз айтмаган бўлса-да, айрим мулоҳазаларимизни ўртага ташлашни маъқул кўрдик.

* * *

Ватанни севмак имондандур!

Муҳаммад Пайғамбарнинг ана шу икки оғиз сўзларида инсон ҳаётининг мазмун-моҳияти, бутун фазилатлари, яшаш тарзи ва бошқа жонзотлардан фарқи ифода этилган. Бу жамики имонли, диёнатли одамларнинг муқаддас заминга бўлган муносабатини алоҳида белгилайдиган, юксак инсоний қадрият даражасига кўтарадиган олий талаб, қатъий интизом. Унда одамзотнинг фикр-ўйи, интилишлари, орзу-армонлари, эртанги кунга умидишончи жо бўлган.

Ватанни англамоқ — буюк инсоний неъмат! Уни ҳис этмоқ, тушунмоқ — олий фазилат! Ватанпарварлик эса мўъжизавий қудрат, тенгсиз қадриятдир. Ана шундай қадриятни эъзозлай билган кишиларгина она-юрт учун ўлимга тик боришган. Ҳаётларини Ватанга фидо этишган. Энг сўнгги нафасига қоришиб, қалбининг туб-тубида Ватан деган нидо ингранib қолган. Ана шу тупроқ учун, киндик қони тўкилган замин учун азиз жонини фидо қилишга тайёр бўлиб, ўз тақдиридан миннатдор ҳолда жон беришган.

Афсуски, бундай олий фазилат ҳаммага ҳам насиб бўлавермайди. Одамлар орасида миллати, Ватани, инсонлик шаънини оёқ ости қилиб, ўз халқи юзига тупурувчи, юрт юзини ерга қаратувчи мунофиқлар ҳам учраб туради. Бугун бутун Ўзбекистон халқи, ўзбек миллати қад ростлаб, ғурурини тиклаш, жаҳонга шарқона жамолини намойиш қилиш билан банд бўлса-ю, уларнинг орасидан ватанфуруш чиқиб қолса. Бундай пайтда қалбинг жунбушга келади, асаб томирларинг таранглашади, юрагингда тош санчилгандек бўлади, ич-ичингдан изтироб аралаш бир нидо отилиб чиқади: «Ё алҳазар! Ўзинг асра бундай бедаволардан, кўрнамаклардан!». Бугун бутун Ўзбекистон халқи не-не қийинчиликларга бардош бериб янгиланиш шуури билан яшаётган бир пайтда унинг орасида ана шундай мунофиқ пайдо бўлди. У Ўзбекистон Республикасининг Америка Қўшма Штатларидаги собиқ Фавқулодда ва Мухтор элчиси Муҳаммад Бобир Маликов бўлиб чиқди.

* * *

Бугунги Ўзбекистон —жаҳон минбарида ўзининг янгидан-янги имкониятларини намоён этаётган, кучга тўлиб, нуфузи ошиб бораётган мамлакат. Бугунги Ўзбекистон — барча қийинчиликларни енгиб, ўзини иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий жиҳатдан мустаҳкамлаб, халқаро майдонда обрў-эътибори тобора ошиб бораётган мамлакат. Бу халқ билан ҳокимият бирлигидан, омма фикри билан давлат сиёсати мутараклигидан, Президент сиёсий йўлининг халқчиллигидан далолат беради.

Бугунги Ўзбекистон ўз халқи улуғ аждодларининг анъаналарини давом эттирган ҳолда бутунлай янги тарихий шароитда янгича миллий давлатчиликни шакллантирмоқда. Жаҳон давлатчилик тажрибалари миллий заминда, халқ дунёқараши, турмуш тарзи, руҳияти ва эҳтиёжидан келиб чиқиб бойитилмоқда. Шунинг учун ҳам бу мамлакатда энг қийин ва долғали бир пайтда иқтисодий-сиёсий барқарорлик, тинчлик-осойишталик, аҳолиси ижтимоий ҳимояланган вазият мавжуд.

Яқин ўтмишимизга назар ташлайлик. Хельсинкида, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик Кенгашида Ўзбекистон Президентининг иштироки, унинг мажлисида раислик қилиши Ватан тарихида бўлмаган воқеа. Ўшанда танаффус пайтида АҚШнинг ўша пайтдаги Президенти Ж. Буш ва давлат котиби Ж. Бейкер Ўзбекистон делегацияси ўтирган жойга келиб Ислом Каримов билан танишиш истагини билдирди. Ўз олдида турган сайловлардан муваффақиятли ўтса, албатта Ўзбекистон Президентини меҳмон қилиш истаги борлигини айтди ва «Биз Ўзбекистонда қўлланилаётган сиёсатдан мамнунмиз» —деди.

Ўзбекистон, унинг сиёсати жаҳон жамоатчилигининг диққатини тортмоқда. Жумладан, Франция, Германия, Буюк Британия ва бошқа қатор мамлакатларда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Президент И. Каримов олиб бораётган сиёсат юқори баҳоланмоқда.

Дарҳақиқат, Германия матбуоти И. Каримовни «Ўрта Осиёдаги энг кучли Президент», Ўзбекистонни эса «Ҳамдўстлик мамлакатлари орасидаги энг тинч ва ривожланаётган мамлакат» деб тан олди. АҚШда чиқадиган «Новое русское слово» газетаси эса Президентимизни Тожикистон, Марказий Осиё ва умуман ер юзида тинчликни сақлашдаги ғоят катта хизматлари учун Халқаро тинчлик Нобель мукофотига лойиқ деб билди. Бу Президент номи ва фаолияти туфайли Ўзбекистон ва Ўзбеклар, мамлакат ва миллат шаъни улуғланаётганини кўрсатади.

Германия Президенти Гелмут Коль «Давлат ривожининг беш принципини ишлаб чиқиб, уни қўллаб-қувватлаётган ва эълон қилаётган янги давлатнинг раҳбари тутган йўл муваффақият гаровидир» — деса, Швейцария конференцияси Президенти бўлган Ўзбекистон ўз келажаги учун хавотирланмаса бўлади» — деб баҳо берган эди. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни, обрў-эътиборини кўрсатади.

Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати халқаро майдонда кенг маъқулланмоқда. Унинг ўз мамлакати ва халқи манфаатини ҳимоя қилиш билан бирга дунёда тинчликни сақлаш, барча давлатларнинг тенг ҳуқуқли ҳамкорлигини таъминлаш, дунёвий муаммоларни ҳал этиш борасидаги ҳар томонлама асосли ва қатъий йўли юқори баҳоланмоқда.

Сиёсатнинг ҳаётийлиги— унинг халқ манфаатига таянганлигида! Сиёсатнинг халқчиллиги — унинг мамлакат аҳолиси асосий кўпчилигини орзу-умидларини ўзида мужассам этганлигида! Сиёсатнинг кучи — оммани ўзининг ҳақлигига ишонтира олишида ва уни эргаштира билишида! Бугун Ўзбекистонда ҳукумат юргизаётган кўпқиррали ислоҳотлар ва янгиланиш сиёсати мамлакатнинг ўзида ҳам, хорижда ҳам қўллаб-қувватланаётган экан, бу ёш давлатнинг келажаги буюклигидан далолат беради.

Миллион-миллион кишилар томонидан қизғин маъқулланаётган сиёсатнинг тўрт-беш одамга маъқул тушмаслиги табиий ва бу ҳеч нарсани ўзгартирмайди. Бироқ, ҳақиқатан ҳам улар даъво қилаётган виждон ва имон бўлса, юксак сиёсий маданият, мунозара қилиш одоби, ҳар томонлама асосли фикрларни ўртага ташлаш қобилияти мавжуд бўлса, ҳар қандай муҳолифат умумий мақсадлар йўлида бирлашиб, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда ишлаши мумкин бўлади. Бундай мунозараларда фақат ҳақиқатга, илмий асосланган, ҳаётий тажрибалардан ўтган хулосаларга тантилик билан ёндошиш керак. Хорижда Ўзбекистонга қараб мағзава қуйиб юрганларда эса бундай фазилатни топиш анча мушкул.

Одамларнинг юз йиллар мобайнида шаклланган дунёқарашини қисқа муддатда бирданига ўзгартириш мумкин эмас. Бу вақт талаб этадиган, узоқ йиллар мунтазам иш олиб боришни тақозо қиладиган мураккаб маънавий-ижтимоий жараён. Бироқ Ўзбекистондаги янгиланиш, мустақил давлатчилик сиёсати шиддати шунчалик тезлашдики, қатор хорижий мамлакатлар худди шундай ўтиш даврини асрга тенг муддатда кечишган. Ана шундай мураккаб, турли-туман қийинчиликлар, ислоҳотлар авж олган, тарих ва келажак олдидаги масъулият ғоятда оғир бўлган бир пайтда яшаш бахти ҳаммага ҳам насиб этавермайди! Бундай ўзгартирувчилик ва ижтимоий-сиёсий вақтинчалик қийинчиликлар кишидан ирода ва қатъият талаб этади. Бундай пайтда ўтаётган умридан, қилаётган ишларидан қувониб, унинг мазмун-моҳиятини тушуниб яшаш керак. Ватан ва миллат бахти учун яшаш завқини ҳис қила олиш керак.

Мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида туб ўзгаришлар содир бўлаётган бир пайтда барча оғирликларга бардош берадиган, диёнатли, садоқатли раҳбар кадрларга эҳтиёж ошади. Уларни танлаш, энг мақбул, ҳар томонлама етук ва довюрак етакчиларни саралаш муҳим аҳамиятга эга. Бу жуда оғир, ҳамма вақт ҳам муваффақиятли чиқавермайдиган ҳодиса. Чунки кадрларнинг бир қисми онги ва дунёқараши олдинги тузум мафкураси асосида шаклланган, эскиликдан осонлик билан воз кечмайдиган, янгиликни қабул қилиши қийин бўлганлардан иборат.

Эндигина мустақилликнинг учинчи йилини бошдан кечираяпмиз. Тарихан қисқа муддатда қилинган ишлар бир неча ўн йилликларга татисада, катта-катта масаларни ҳал этишда айрим кишиларда қобилиятсизлик, хатоларга йўл қўйиш ҳоллари содир бўлмоқда.

Коммунистик мафкура бир гуруҳ одамлардан миллатини унутган, тарихини билмайдиган, ўз аждодларини танимайдиган, Ватани шаъни-шавкатини ҳис қила олмайдиган кадрларни вужудга келтирди. Ана шундай одамлардан хоинлик, сотқинлик чиқади. Уларнинг миллати бўлмайди. Улар ҳамма жойда, ҳамма мамлакатда бирдай яшашади. Тузумнинг, сиёсатнинг, халқ ва Ватан манфаатининг қизиғи йўқ. Шахсий ҳаёти, турмуш фароғати йўлида шуларнинг барчаси бир чақа!

* * *

...Эртакларда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Болалигимиздан жодугарнинг бир юмалаб қушга, ўт-оловга ёки ёмғиру қорга айланишларини кўп эшитганмиз. Ҳар ҳолда бу эртак-да.

Бироқ у эртак қаҳрамони эмас. Афсонаю ривоятларга асос ҳам бўлмаган. Кечагина ҳамма қатори орамизда юрар эди. Куни кеча оқ оралаган сочларини силлиқ тараб, паҳлавонсифат гавдасини кўз-кўз қилиб виқор билан арбоб қиёфасида юрган, катта-катта идораларда унинг айтганн-айтган, деганн-деган эди. У турғунлик даврида ҳам, қайта қуриш пайтида ҳам, мустақилликнинг ҳаётбахш дамларида ҳам ўзини дунёнинг устуни деб биларди.

Яқинда М. Маликов Фавқулодда ва Мухтор элчи лавозимини эплай олмаганлиги сабабли Ўзбекистонга чақирилди. У ўзини ўнглаб олар, хатоларини тузатар, ўз камчилик ва нуқсонларидан ҳулоса чиқарар деган умид билан Давлат назорати қўмитасида масъул лавозимга ишга таклиф этилди. Бироқ у бу ишончни яна поймол этди. Ўзининг элчилик пайтидаги ҳужжатлари ўз кучини йўқотганлигига қарамай, маъмурий органларни чалғитиб, она юртидан қочиб кетди. Америка Қўшма Штатлари маъмуриятидан бошпана сўради.

Тан олинган тартиб бўйича халқ манфаатлари ва тинчлигини ҳимоя қилганлиги, прогрессив ижтимоий-сиёсий, илмий ва ижодий фаолият учун таъқиб қилинганлиги сабабли ажнабийларга бошпана берилади. Мунофиқлиги, миллати ва Ватанига хиёнат қилганлиги, нонкўрлиги учун эмас!

У ўз қилмишларининг охири нима билан тугашини яхши биларди. Шунинг учун ҳам олдиндан тайёргарлик кўриб, ҳар томонлама ўйлаб, Ватанни тарк этишга қарор қилган эди. Унда «Чақиришди, бораман. Ҳар қандай таклиф ё хулосадан қатъий назар қайтиб келаверараман» деган мақсад қатъий эди. Акс ҳолда АҚШнинг ўзидан қайтиш чиптасини олиб қўярмиди?!

Ғишт қолипдан кўчди! Қайтиб уни жой-жойига қўйишга уриниш беҳуда. Буни яхши билган Муҳаммад Бобир энди зўр бериб Ўзбекистон ва унинг ҳуқумати бошига мағзава қуйиш йўлига ўтиб олди. Жумладан, у «Ўзбекистондан чиқиб кетишимнинг энг муҳим ва асосий сабаби ҳукумат олиб бораётган сиёсатга мутлақо қўшила олмаслигимдир. Ишни давом эттиришни мени виждоним ва номусим қабул қилаолмади», дейди. Ана холос! У киши бор-йўғи етти ой хорижда ишлаб сиёсатни шунчалик чуқур тушунадиган бўлдиларми? Унгача қаерда эдилар? Узоқ йиллар Республика Олий суди Раиси, Адлия вазири бўлиб ишлаб мавжуд сиёсатнинг қандайлигини билмаган эканларда? Ахир Олий Кенгаш сессиялари минбарида савлат тўкиб, сўзамоллик қилиб, ҳозирги мавжуд ижтимоий-сиёсий тузумнинг ҳуқуқий асосларини, мамлакат ички ва ташқи сиёсати йўналишларини ишлаб чиқишда фаоллик кўрсатган, қатор қонунлар лойиҳаларини таҳлил этиб, тушунтириб, депутатларни ишонтириб, маъқуллатган ўзлари эмасмидилар? Энди виждон, номус амри билан иш тутаётган бўлсалар, олдин у йўқмиди?

Олдинги лавозимларда қандай ишлаганлиги унинг ўзига ва ҳозир дастак қилиб олган «виждон»ига ҳавола. Аммо элчиликни эплай олмаганлиги аниқ. Шунга ва у ердаги қилган қилмишларига қарамай Давлат назорати қўмитаси раисининг биринчи ўринбосарлигидек юксак лавозим тавсия этилаётганда «Мен ҳута суднинг ҳукми.

М. Маликов нималар деб алаҳсираяпти? Қанақа суд? У кимнинг айби устидан хулоса чиқариши керак? Ахир Муҳаммад Бобирнинг элчихонадаги қилмишлари, йўл қўйган камчиликлари ҳақида гапириш, уни муҳокама қилиш юқори органлар вазифаси-ку! Уни ҳеч ким қийин-қистовга олган эмас! Қолаверса ҳуқуқшунос сифатида жуда яхши биладики, ҳар қандай масала юзасидан энг оддий суриштирувчи — терговчи ҳам иш юритиши мумкин. Нафақат суд! Унинг иши бу даражада жиддийлашмаган эди-ку. Нималардан шубҳаланиб, нималардан гумонсираяпти?

У яна лаҳсиршни давом эттиради. Борган сари ўзининг ички дунёсини, мақсадларини очиб ташлайверади: «Қонун бўйича, дипломатик этика бўйича элчининг хотини қўлини қўлга урмаслиги керак. Бу ерда эса ёрдамчи бўлмаганидан кейин у ҳаммасини ўзи қилиши керак эди. Мен тушунтираяпман, бойваччаларнинг қандай яшашларини». Бу гапларни эшитиб дод деб юборгинг келади. Қаерда экан ўша қонун? Ўзбекистон ва унинг халқи нима қийинчиликларни енгиб, мустақилликни асраб-авайлашаяптию, Муҳаммад Бобир нималарни қўмсаяпти? Киборларча яшаш пайтими ҳозир? Шунинг учун Ватанни сотиш керак эканда! Ана сизга виждон, ана сизга имон! У бунчалар кемтик ва ногирон бўлмаса!

М. Маликов АҚШга шонли тарихга эга бўлган номдор мамлакатнинг вакили бўлиб эмас, бойваччаларча яшаш истаги билан борган эканда! У кишининг хотинларига жабр бўлибдида! Жуда қийналиб қолган эканлару. Одамнинг раҳми келиб кетади бу азоблардан. Бир миллатнинг вакили бўлиб, унинг ташвишига шерик бўлиш, оғирини енгил қилиш ўрнига ўз оромини ўйлаган одамни нима дейиш мумкин?

— Мен виждоний оппозицияга чиқдим, — дейди у. Кошкийди унда виждон бўлса! Қолаверса бу қанақа мухолифат бўлди? Буни қандай тушуниш мумкин? Ахир, виждон, иймон хусусида гапириш ҳаммага ҳам ярашавермайди! Олдин унга муносиб бўлиш керак. Бир Ўзбекистонда мавжуд сиёсат билан келишаолмаётганини пеш қилса, бир виждоний мухолифат хусусида гапиради. Яна бир жойда «Мени тўғри тушунинглар, оддий одамдек эркин яшашни истайман», — дейди. Яшайвер! Сенга ким халақит бераяпти? Истаганингча яша! Фақат қонун доирасида! Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат шаклланаётган бир пайтда М. Маликов ҳақиқатдан ҳам бундай қатъий интизом, қонунни ҳурмат қилиш ва унга бўйсуниш шароитига кўниколмайди. Бундай яшаш унга жабр-зулмдай туюлади. Чунки ҳалол ва тўғри яшаш унинг учун осон эмас! У ўзига хос йўлни танлади. Ватанни сотди! Миллатга хиёнат қилди! Эрк излаб, ўзга юртларда изғиб юрибди!

Ҳаётда шундай одамлар бўладики, улар юз ёшга кирсалар ҳам болалигича қолаверадилар. Ёшлари улғайиб борсада, фикрлаш тарзи, муносабатлари бачаналигича қолади.

Руслар бундайларни «большой мальчик» дейишади. Ўзбекчада бачана, болачалиш, каттакон бола маъносини беради. Муҳаммад Бобир худди ана шундай каттакон болага ўхшайди. Унинг пойма-пой фикрлари, мантиқсиз хатти-ҳаракатлари, гавдаси ва ёшига ўхшамаган қилиқлари боланикидан баттарроқ, беўхшовроқ. Унинг табиати шундай. Ундан хафа бўлишнинг ҳожати йўқ.

Муҳожират хусусида икки оғир сўз. Фақат Ўзбекистонда Ватанни ташлаб кетиш ҳоллари юз бераётган эмиш. Ҳатто Озарбайжон, Гуржистон, Молдовада ҳам йўқ эмиш. Ана холос! Тўрт-бешта иймони суст, эътиқодсиз одам Ватанидан чиқиб кетса дунёвий фожиа бўларкану, минг-минглаб одамлар ёстиғи қуриса, қон дарё бўлиб оқса, аҳоли очарчиликда яшаса, ҳеч гап эмасмиш. Буни қандай тушуниш керак? Қани мантиқ?!

Муҳожират табиий ҳодиса. У турли даврда турли кўринишларда рўй беради. Лекин фақат асосли бўлса, ҳақиқатга таянган ҳолда юз берса уни ўзга мамлакат тан олади. Акс ҳолда сиёсий фоҳишабозликка айланиб қолиши ҳеч гап эмас!

Муҳаммад Бобирнинг қилмишидан қариндош-уруғлари ҳайратда эмиш. Қаранг-а! Уни тарбиялаган, вояга етказган одамлар бугун қандай одамлигини билмай қуришса, ажабланишса! Бу ишониб бўладиган ҳолатмикин?!

Киши қандай муҳитда ўсган бўлса, характери ана шундай шароитда шаклланади, феъл-атвори қарор топади. Муҳаммад Бобир ҳам ўз камчилик ва нуқсонларини табиий равишда ўз оиласидан олган. Бу оилада меҳр-шафқат, бир-бирини эъзозлаш, қадрига етиш, имон, инсоф, садоқат деган тушунчалар бегона. Иймони суст одамнинг фарзанди ҳеч қачон иймонли бўлмайди. Муҳаммад Бобир Маликов беш ой ўз юртидан олисда яшади. Ниҳоят уйига қайтди. Бироқ онаси борлиги хаёлига келмади. У на волидаи муҳтарамасидан, на жигарларидан, опа-сингилларидан хабар олди. Улар ҳам буни кўргани келишмади. Дарвоқе, М. Маликов отаси вафот этганда ҳам унинг маросимида иштирок этмаганди. Буни ўзига ё ор деб билди, ёки улкан «арбоб»нинг бундай майда ишларга вақти топилмади. Отасини сўнгги йўлга кузатишга ярамади. Фарзандлик меҳри, бурчи ундан бегона эканлигини аён этди. Акс ҳолда чопқиллаб, вой отамлаб бормасмиди? Ахир ўзбек учун ота ўлими, падари бузруквори вафотидан оғир мусибат борми?

Бўри бўрилигини қилади. Тарки одат—амри маҳол дейишади. Ватанни бир сотган одам яна сотаверади. Чунки у юртини ниманингдир эвазига сотган. Нимадандир манфаатдор бўлганда. Шунинг учун унга на ота, на она, Ватан ва миллат керак. Бундай одамга тушунтириш бефойда, тарбиялашга уриниш бесамар. Ахир «сут билан кирган жон билан чиқади»да! Ҳазрат Навоий ўз вақтида зап айтган эканлар: «Кучук бирла хўтикка қанча қилсанг тарбият, ит бўлур, эшшак бўлур, бўлмаски асло одами».

Кўр-кўрни қоронғида топади, деганлари рост. Фашизмга қарши урушда сотқинлик қилган, миллати ва Ватанини сотиб юборган ҳозир АҚШда яшаётган Рўзи Назар унга қадрдон бўлиб қолди. Маънавий қашшоқ, қалби кемтик, аҳлоқий фалаж бу кимса Муҳаммад Бобирдек маслакдош топганидан боши осмонда эди. Улар куну-тунни бирга ўтказишар, узундан-узоқ суҳбатларда мавзу ҳаммавақт бойлик орттириш бўларди. Албатта Рўзи Назар ўз доираси кенгайиб бораётганидан хурсанд. У бутун вужуди билан улкан бир мамлакатнинг элчисидек кенг имкониятли, қўли узун, тили кескир, кўпдан-кўп қинғирликлар ва ўғирликларга мойил, уларни расмий йўллар билан пардалаб, жон сақлашга моҳир одамни қўлдан чиқармасликка интиларди. Муҳаммад Бобирдек бойликка ҳирс қўйган, очкўз ва сотқин топилганидан манфаатдор эди.

Ватанни сотган, унга хиёнат қилган, миллатнинг юзига тупурган одам ҳеч қачон қадр топмаслиги, охир-оқибатда хиёнату сотқинлик гирдобига ғарқ бўлиши, эл-юрт нафратига қолиши аниқ. Рўзи Назар юртини фашистларга сотган эди. Энди мана шу юрт бойлигини талон-тарож қилишга интиларди. Урушда қон кечиб, жон бериб-жон олиб, Ватан учун қурбон бўлишга шай турган миллатдошлари асирга тушган пайтда улар фашистларнинг не-не қийноқларига чидаб, осилганларини, ўтда куйдирилганларини кўриб, уларни ҳимоя қилиш ўрнига ўз жонини сақлаш учун ҳаммасини сотди. Ҳаммасига тупурди. Бугун тобора кучга тўлиб бораётган Ўзбекистон энди унга тупураётганини тушунмаяпти. Бунга маънавий қурби етмайди.

* * *

Президент Ислом Каримовдан мухбирлар «Сизни энг қийнайдиган нарса нима? Мабодо худодан сўрайдиган нарсангиз бўлса, нимани тилаган бўлардингиз?» деб сўрашганда, Президент ҳеч иккиланмай **«Худодан тилагим битта: Ўзбекистондан сотқин чиқмасин, миллатига, юртига хиёнат қиладиганлар бўлмасин, деб илтижо қиламан», — деган эди. Дарҳақиқат, худо ана шундай бедаволардан асрасин!**

* * *

Миллатга мансубликни ҳис қилиш—ғурур ва фахру ифтихор билан яшаш имконияти. Миллатга мансублик буюк бахт! Буни тушунган тушунади. Қалби сўқир, маънавияти кемтик одамга бу туйғу бегона. Миллатга, Ватанга хиёнат — ота-онага, фарзандга, оилага хиёнат. Бу бебурдлик, ношудлик, мунофиқликдир. Ватан ва миллатга хиёнат меҳробга шаккоклик қилишдек кечирилмас оғир гуноҳ, юзи қароликдир! **Она-Ватан, жонажон халқ иқболи ва тақдирига бефарқ бўлишнинг, ўз халқи севинч ва ташвишларига шерик бўлмасликнинг гуноҳи, доништмандлар айтганидек ОҚПАДАРЛИКдан ҳам баттарроқдир. Зеро, Ватан Ота каби мўътабар, Она янглиғ муқаддасдир! Унга қўл силтаган, хиёнат қилган фарзанд фарзанд саналмас!** Шундай тақдирда у Ота—юрт, Она —миллат нафратига дучор бўлгай, оғир қарғишга қолгай, оқ қилингай! Мангу дарбадарликка, хору зорликка маҳкум этилгай!

Ўз миллий мансублигини унутган, у билан фахрланиш ҳиссини йўқотган, унинг қувончу ташвишига шерик бўлолмайдиган, Ватани тақдири учун заррача бўлсада куйинолмайдиганнинг ҳаёти бехосият ва бетароват ҳаёт. Беватанлик — бечораликдир! Беватанлик — бенаволикдир! Буни Рўзи Назарку тушунмайди. У бундай буюк туйғудан бенасиб. Муҳаммад Бобир-чи? У тушунармикин?!

Нарзулла ЖЎРАЕВ.

• *Йилни яхши якунлаётганлар*

«ЯНГИҲАЁТ» ИБРАТИ

Тиниб-тинчимас, замонамиз тили билан айтганда тадбиркор одамлар турмушдан ҳамиша илгари, лоақал бир қадам олдинда юрадилар. Улар бугуннинг юмуши билан эмас, эртанинг ташвиши, режаси билан яшайдилар. Зомин туманидаги «Янгиҳаёт» ширкатлар бирлашмасида шундай одамлар кўп. Шу боисдан бўлса керак, йилимизнинг якунланишига ҳали бир ой қолгани, пахта йиғим-терими давом этаётганга қарамай қишлоқ хўжалиги йилининг дастлабки якунлари чиқарилди.

Хўжалик ишлаб чиқариш фаолиятига оид рақамлар ва натижаларни тилга олар эканмиз, бу ютуқлар аввало мислсиз курашлар, ишга чинакам ижодий ёндашиш мевалари эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки «Янгиҳаёт»да ҳам бошқа жойлардагидек баҳор ва куз фасллари серташвиш келди. Кўклам серёғин, нобоп бўлиши сабабли чигит асосий майдонларда уч марта қайта экилди. Мутахассисларнинг фикрича, Жиззах вилоятида табиий офатдан энг кўп азият чеккан хўжалик — «Янгиҳаёт»дир. Бунда экин майдонлари нисбатан яқинда ўзлаштирилгани, иборали айтганда ҳали асовлиги, деҳқоннинг бир машаққатини иккига айлантирди.

Об-ҳаво қанчалар инжиқлик қилмасин, деҳқон иродаси устун келди. Янгиҳаётлик миришкорлар қўриқ вилоятда биринчилар қатори пахта тайёрлаш йиллик режасини бажариб, эл хирмонига уч минг тоннадан зиёд қўриқ дурдонаси топширдилар. Ҳосилнинг асосий қисми юқори навларга қабул қилингани ҳам чўлқуварлар астойдил тер тўкканларидан далолат.

Бунга алоҳида урғу беришимиз сабаби шуки, ҳозир сифат устунлиги миқдор устунлигидан афзал, нафи ҳам катта. Чунки пахтадан пахтанинг фарқи бор-да!

— Раҳбаримиз Аҳмад Мажидовнинг қадами қутлуғ келди, — дейишмоқда хўжалик деҳқонлари мамнуният билан. — Йил қийин, машаққатли келишига қарамай хирмон баракали, даромад мўмай бўлди. Бу, янги раҳбарнинг ҳосияти, шарофати.

— Бунчаликмасдир-ов, — дейди у мақтовдан хижолат тортиб. — Менимча, ютуқларимиз сири жамоамиз аъзоларининг фидокорона меҳнатида. Барча ютуқнинг онаси — меҳнат.

Аҳмад Мажидов фикрини исботлаш учун мисол сифатида Жумабой Бердиёров бригадасини тилга олади. 166 гектар майдонда пахта етиштирган бу аҳил жамоа заршунослари йиллик режани 5 иш кунида бажардилар. Ҳаво очиқ бўлиб турган ҳар соатдан бир куннинг унумини олишди. Ҳар гектар қўриқдан биринчи теримдаёқ 19,5 центнердан хирмон кўтарилди. Четдан қараган кишига бу катта ҳосилдорлик бўлиб кўринмас, аммо билимдон деҳқонларнинг айтишича, қўриқ ер учун бундай ҳосилдорлик юқори кўрсаткичдир. Жумабой ака ва унинг дўстлари бу кўрсаткич билан қаноатланганлари йўқ — ҳосилдорликни 22 центнерга етказиш учун курашни давом эттираяптилар.

Қиш нафаси сезилиб қолди: ёғаётган ёмғир гоҳо қорга айланяпти. Бундай кезда ҳафсаласи пир бўлиб, қўлни ювиб қўлтиққа урганлар ҳам топилади. Лекин янгиҳаётликларнинг нияти бошқача: улар даладаги ҳосилни нес-нобуд қилмай сўнгги мисқолигача йиғиб-териб оладилар. Режадан ташқари 300 тоннали хирмон яратиш учун барча имкониятлар сафарбар этилаяпти. Режа бажарилган бўлса, сўнгги чиранишнинг нима ҳожати бор, дегувчилар ҳам топилади. Бундай фикрловчиларга ана шу 300 тонна пахта хўжаликка нақд 300 миллион сўм қўшимча даромад келтиришини айтиш кифоя. Бу эса қурилиши тўхтаб қолган уйларда ҳовли тўйлари бўлишига, далаларда янги техникалар юришига, қисқаси, турмуш фаровонлигининг юксалишига кафолатдир.

Бугундан кўнгли тўқ киши эртанинг ташвиши билан яшаркан. Аҳмад Мажидов гап орасида келаси йилда пахта майдонлари 200 гектарга қисқаришини, лекин ялпи хирмон салмоғи камаймаслигини айтиб ўтди. Идроки бор киши буни фаҳмлаши қийин эмас: бу ҳосилдорлик кўтарилади дегани. Пахтадан бўшаган ерларга ғалла экилади. Келаси йилда ғаллазорлар 650 гектарга етказиладики, бу амалдаги йилдагидан 6 баравар кўпдир.

— Президентимиз Ислом Каримовнинг жонажон республикамизнинг ғалла мустақиллигини таъминлашга доир даъватига бизнинг жавобимиз ана шундай, — дейди Аҳмад Мажидов.

Бу қутлуғ ниятнинг рўёбга чиқишига шубҳамиз йўқ. Чунки барака уруғи заминга тушди.

Янгиҳаётликларнинг бу йилги меҳнат жасорати ҳақида кўп ёзиш мумкин. Уларнинг иқтисодий қийинчиликлари табиий қийинчиликлар билан чирмашиб кетган мураккаб шароитда хўжалик юритиш, қийинчиликларни енга билиш тажрибасини оммалаштирса арзийди. Буни туман агросаноат уюшмаси эътиборга олади, деган умиддамиз. Бу хайрли ишдан Халқ демократик партияси туман кенгаши ҳам четда қолмас. Чунки хўжалик меҳнат аҳлининг муваффақиятида бошланғич партия ташкилотининг ҳам ўрни катта.


Норбобо ШАКАРОВ,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири.

Ўлкамизда қишлоқ-қировли кунлар ҳам бошланди. Бу паллада молларни ўз вақтида тўйимли озуқа билан боқиш, совуққа чалинтирмаслик жуда муҳим.

Буни яхши билган Жомбой туманидаги Н. Эсонтурдиев номли жамоа хўжалиги чорвадорлари фермадаги мавжуд 740 та қорамолининг ҳаммасини намунали парваришлашга катта эътибор беришяпти. Бу ишда моҳир сигирсоғар Т. Қаршиев касбдошларига намуна. У ўз боқимидаги говмишларнинг ҳар биридан кунига 7—8 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олаётир.

СУРАТДА: ферма мудири [чапда] Қ. Сатторов илғор сигирсоғар Т. Қаршиев билан.

Н. АЛМУРОДОВ олган сурат.



ЭЛГА ҚАЙИШГАН КАМ БЎЛМАЙДИ

Фазли қишлоғи аҳолисининг эзгу асрий орзуси ушалди. Касби туманидаги «Пахтакор» жамоа ширкат хўжалиги марказида 300 дан ортиқ хонадонда «зангори олов» ёна бошлади.

Хўжалик маъмуриятининг буюртмасига асосан табиий газни хонадонларда Қаршидаги «Ўзбекгазлаштириш» трестига қарашли 7-механизациялашган кўчма жамоа қурувчилари монтаж қилишяпти. Улар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни — 8 декабрь байрамигача 400 хонадонни қўлдан чиқаришмоқчи. Янги йилгача 500 хонадон табиий газдан баҳраманд бўлади.

Жамоа ширкат хўжалиги кенгаши раиси Н. Файзиев ташаббусига кўра табиий газ кирган хонадонлар бепул газ плиталари билан ҳам таъминланяпти. Ишчими, ўқитувчими, қурувчими, врачми, фахрийми қатъи назар, ким бўлмасин бу имтиёздан кенг фойдаланмоқда.

Яқинда хўжалик ҳудудида яшовчи кишиларга — ҳар жон бошига килоси 10 сўмдан 40 килограммдан ғалла берилди. Бир йўла хўжаликдан ярим тоннагача арзон нархда дон олган оилалар ҳам бор. Шунга кўра, аҳоли кўп ҳам дўконларга кўз тикмаяпти.

Бу ютуқларнинг ҳаммасини яқинда давлат хўжалиги жамоа ширкат хўжалигига айланганлигининг дастлабки самараси, дейиш мумкин. Аслида «Пахтакор» совхози бундан беш йил бурун тумандагина эмас, вилоятда ҳам энг қолоқ хўжалик ҳисобланарди. Оддийгина молхона қуришга ҳам кучи етмасди.

Кўп нарса раҳбарга, унинг ташкилотчилик қобилиятига боғлиқ экан. Олий маълумотли инженер-қурувчи, қадамидан ўт чақнайдиган кадр Н. Файзиев директорликка тайинланди-ю, ишларда ўзгариш юз бера бошлади. Хўжалик оёққа турди. Киссаси ҳам пул кўрди. Қишлоқда янги мактаб, қатор магазин, маиший хизмат тармоқлари, тикув ва тўқув устахоналари қурилди. Ниҳоят, табиий газ келди. Хуллас, «Пахтакор» энди донидор хўжаликка айланди.

Мусо КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Илоннинг заҳри ёмон*

ЖИРИНОВСКИЙ НЕГА ЖИРИЛЛАЙДИ?

Шу йил 12 декабрда Давлат думасига ўтказиладиган сайловлар муносабати билан Россия Федерациясидаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт янада кескин тус олди. «Янада» дейишимизга сабаб 3—4 октябрь кунлари Москвада бўлиб ўтган воқеалар бу мамлакатда кўп йиллик сиёсий қарамақаршиликка чек қўйиб, энди жафокаш рус халқи ҳам инсоний жамият, ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан илдамлаб бориш имконига эга бўлади, деб ўйлагандик. Бироқ...

Россия телевидениеси орқали кўраётганимиз, — рақобатчи сиёсий кучларнинг бир-бирларига ишончсизлик, менсимаслик, энг ачинарлиси, ҳатто нафрат ила муносабатда бўлишлари, айримларининг эса ўзларини Россия Федерациясининг эмас, балки Россия империяси думасига сайланаётгандай тутишлари ажабланарлидир. Кимдир бу демократиянинг амалдаги кўриниши, дейиши мумкин. Шундай ҳам дейликда, бир тасаввур қилиб кўрайлик. Бундай «демократик» сайловлар натижасида жаноб Жириновский бошлиқ Россия Либерал — демократик партияси ўзлари орзу қилганларидек ҳукуматга раҳбарлик қилиш имконига эга бўлса борми?

Ойнаи жаҳон орқали сайловолди чиқишларда билдирилган бу партия режа ва мақсадларига бир эътибор беринг: Масалан, ички сиёсатда Россия нефть ва газ, умуман ёқилғи маҳсулотларини МДҲ мамлакатларига юборишни тўхтатиб, пенсионерларнинг совуқ уйларини иситиб берармиш. Эмишким, бу билан МДҲ мамлакатларини, жумладан бизни ҳам боқишга чек қўйилармиш (нимагадир хаёлга бир неча йил муқаддам бошқа бир Россия сиёсатчисининг шу қабилдаги сўзлари келади). Афтидан Жириновский жаноблари Ўзбекистоннинг қисман Россиядан олаётган ёқилғи маҳсулотлари ўзбек пахтаси ҳисобига бўлаётганини эсдан чиқараётганга ўхшайдилар. (Масалан, 1993 йил ҳисобига Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги келишувга биноан Россия биздан 600 минг тонна пахта толаси олади). Рус пенсионерлари шуни ҳам билиб қўйишлари керакки, агар Ўзбекнинг пахтаси Россия корхоналарига етиб бормаса, у ҳолда у ерлик 10 миллион атрофидаги пахтани қайта ишлаш саноатида банд ишчи ва уларнинг оилалари ишсиз ва боқувчисиз қолишлари мумкин. Оқибатда ижтимоий—сиёсий ва иқтисодий кескинлик янада чуқурлашади. Лекин афтидан жаноб Жириновский бошқачароқ йўл тутмоқчи бўлсалар керак. Яъни, ҳам нефть қувурлари беркитилади, ҳам пахтага эга бўлинади. Бунинг учун эса, у кишининг фикрича Туркистон генерал-губернаторлиги тикланса кифоя эмиш. Чамаси, жаноб Жириновский XIX аср иккинчи ярмида 25 йил давомда юз минг лаб туркстонликлар ҳаёти эвазига, юзлаб шаҳар ва қишлоқларнинг харобага айланиши ҳисобига, ўлкада мавжуд давлат бирликларининг оғир курашларидан сўнг ўз сиёсий мавқеларини йўқотишлари натижасида чор Россияси раҳбарлари томонидан ташкил этилган Туркистон генерал-губернаторлигини назарда тутаётганга ўхшайдилар. Соддадил рус пенсионерлари, қандай бўларкин, ахир Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари мустақил давлат бўлсалар, БМТ ва бошқа қатор халқаро ташкилотларга аъзо, юзлаб ҳорижий давлатлар билан дипломатик алоқада бўлиб турсалар, ахир улар мустақил давлатларку, ички ишларига аралашиш яхшимикан, келинг, уйларимиз исимаса исимай қолсин, қўйинг, яна шарманда бўлмайлик, демасликлари учун жаноб Жириновский уларга қарата: бу халқлар умуман давлат ва давлатчилик нималигини билмайди, чунки бўлмаган, ҳозир эса VII асрда, умуман ўрта асрда яшамоқдалар, энди уларни биз XX асрга тортмасак бўлмайди, келинг, йўқ деманг, мени сайланглар, бу ёғини ўзим қотираман, деб тинчлантирмоқчи бўлади. Рус қариялари тарих китобини (майли қанақасини бўлса ҳам) ўқиб битирганларига анча вақт бўлгани учун баъзи бир нарсалар эсларидан чиққан бўлиши мумкин. Шу боис, келинг яхшиси тарихга бир назар ташлайлик.

Энг қадимги замонларда, Ер юзида маданий тараққиёт йўлига кирган ўлкалар бармоқ билан санарли бўлган даврларда (Миср, Яқин Ўрта Шарқ, Марказий Осиё, Хитой, Ҳиндистон, Ўртаер денгизи бўйи) биз туркистонликларнинг аждодлари «Овесто» китобини (милоддан аввалги II минг йилликнинг охири — 1 минг йилликнинг бошига тўғри келади, яъни камида 3000 йил бурун) битиб кетганлар. Уни ва у каби милоддан олдин битилган ўнлаб ёзма манбаларни мутолаа ва тадқиқ қилган киши ўзбек давлатчилигининг тарихи камида 2500 йиллик тарихга эга эканлигининг гувоҳи бўлади. Милоддан аввалги 1 минг йилликнинг VII—VI асрларида минтақамизда икки йирик давлат бирлиги—Хоразм ва Бақтрия ташкил топгани ҳар бир холис тарихчи учун яхши маълум. Бу вақтда ўлкадаги сиёсий, иқтисодий, маданий муносабатлар ўз даври учун юксак даражада бўлган. Мавжуд давлат бирликлари ҳам шу қадар кучли эди. Давлатнинг куч-қудрати мавжуд табиий-иқлимий имкониятлар, ишлаб чиқариш (масалан, VI минг йил бурноқ йўлга қўйилган деҳқончилик; ҳунармандчилик), аҳолининг ақлий ва жисмоний имкониятларидан оқилона фойдалана билишда билинган. Бу куч-қудратнинг яна бир сабаби жамиятда инсонга, Ватанга, эзгуликка муҳаббат ва ишончни шакллантириб берувчи таълимот—зардуштийликнинг кенг қулоч ёзгани билан боғлиқ. Бу таълимотнинг эзгулик қудрати шунчалар бўлганки, унинг асосий ғоялари тез орада узоқ Юнонистон аҳли орасида эътибор қозонган. Шуниси диққатга сазоворки, зардуштийликда илгари сурилган оловнинг бирламчилиги, ҳаётнинг эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш остида кечиши каби ғоялари юнон фалсафасининг ташкил топишида катта ўрин эгаллаган. Хуллас, бундан 2000 — 2500 йил бурун сиёсий-давлатчилик, иқтисодиёт, фан, маданият соҳаларида эришилган ютуқларни санайверсак тугамайди. Кишилик тарихида биринчи империя асосчиси Куруш (Кир), Фотих Искандар, Рим империяси белини синдирган, ўнлаб киловетрга чўзилган каналлар қазиб, улкан сунъий суғориш тизимларини яратган, ўз ёзувига эга бўлган, дунё бозорларини беҳисоб маҳсулотлар билан таъминлаб турган, катта-катта шаҳарлар барпо этиб, муҳташам бинолар қўтарган, астрономия, математика, фалсафа каби фанларни ривожлантириб борган, нозик мусиқа асбоблари яратган бизнинг аждодларимиз ва улар фақароси бўлган давлатларимиз мавжуд бўлган даврда бошқаси у ёқда турсин ҳали Исус Христос дунёга келмаган эди. Бор ҳақиқат ҳам шу.

Энди икки оғиз сўз жаноб Жириновскийга ёқмаган VII аср хусусида. Бу даврда ўлкамизда Турк ҳоқонлари бошлиқ давлат ҳукм сурарди. Мазкур давлатнинг, аниқроғи, салтанатнинг ғарбий чегараларини Қора Денгиз, шарқий сарҳадларини эса Тинч океани сувлари ювиб турган вақтлар бўлганини тарихчилар, жумладан рус олимлари ҳам яхши биладилар. Қизиғи шу ердаки, агар худди шу давр рус халқи тарихига назар ташласак, рус тарихчиларининг Византия муаллифларига суянган ҳолда берган гувоҳликларига кўра, славянлар (ҳали рослар, руслар ҳақида ғап йўқ) бу вақтда Дунай ва Висла дарёлари оралиғида уруғчилик жамоасининг сўнгги босқичида яшаб турганлар эканлар. Агар жаноб Жириновский ортидан юрсак, унда биз ҳам бугун тарихий Турк ҳоқонлиги ҳудудларига даъвогарлик қилишимиз керак. Лекин биз бундай қилмаймиз. Чунки биз маданиятли, қадимий халқмиз. Чунки, биз алгоритм, алгебра нималигини, инсонни қандай қилиб даъволаш кераклигини, Хоразмдан туриб Америка қаердалигини, ўзимиз туртки берган юнон фалсафасини қандай тушунмоқ кераклигини яхши англаймиз. Қисқаси, башариятни биринчи марта Уйғонишга ўргатган ҳам бизнинг халқ. Чунки биз кишилик маданий тараққиётини мўғуллар исканжасидан сақлаб қолган, рус халқини мўғуллар зулмидан халос бўлишини 200—300 йилга тезлаштириб берган, Европа халқлари учун ўз Уйғониш даврларини очиб берган халқ намояндаларимиз.

Сўнгги сўз ўрнида. Агар жаноб Жириновский ўз сайловолди чиқишларини Россия жамиятининг бугунги кун дунёқарашига мослаб, оқибатда кўпчилик овоз олишга ишонаётган бўлса ва аслида ҳам шундай бўлиб чиқса, у ҳолда Россиянинг келажаги йўқ; агар аксинча содир бўлса, у ҳолда РЛДП ҳеч қачон ҳокимиятга эгалик қила олмайди...

Аммо бир нарса кишини ўйлантирмай қолмайди. Наҳотки жаноб Жириновскийнинг хатти-ҳаракатлари Россиядаги демократиянинг амалдаги ифодаси бўлса. Ё бу масхарабозликлар кимлargадир керакми? Мана, кўринглар, агарда биз билан келишмасанглар, ўрнимизга бундайлар келади, қабилидаги сиёсий савдогарликми? Нима учун Давлат думасига давлатчилик рамзи Президент чиқарган қонун асосида сайловолди курашини олиб бораётган, расман давлат идораси томонидан рўйхатга (табиий равишда давлат масъулиятига ҳам) олинган партия раҳбари давлат телевидениеси орқали хорижий давлат ички ишига аралашади-ю, инсон ҳуқуқини, демократия йўлини сақлаб қолиш учун ҳатто ўз «Оқ уйи»ни қоралашгача» борган давлат раҳбарияти тегишли чора кўрмайди? Ё Жириновскийнинг тилида бошқаларнинг дилидами?

Азамат ЗИЁ,
Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди.



Бандихон туманидаги «Тошкент» жамоа хўжалиги деҳқонлари мўл-кўл ғалла етиштиришда ўзига хос тажриба тўплашган. Бу ерда кеч кузакда 300 гектар майдонга ғалла экиб, уни бир текис ундириб олишга эришилди. Айни кунларда яна 40 гектар ерга дон экляпти. Хўжаликда қўлга киритилаётган ютуқларда иш юритишнинг онлавий пудрат усулига ўтилганлиги бош омил бўляпти.

СУРАТДА: онлавий пудратчилар етакчиси Холиёр Норқулов.

И. ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.

• ТЕАТР

«Боғи Эрам» маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган тадбирни ижодкорлар «Осмон тўла юлдузлар» деб номлашди.

Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишланган мазкур адабий мусиқий кечада иштирок этган олимлар, ёзувчи ва шоирлар, тарихчилар буюк мунажжим Мирзо Улуғбекнинг қолдирган улкан мероси, дунё илм-маърифатида тутган ўрни ҳақида тўлқинланиб сўзладилар. Шаҳримиздаги Охунбобоев номли маданият уйи ижодий жамоаси томонидан Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» романи асосида саҳналаштирилган драматик театрлаштирилган томошалар ҳам барчага манзур бўлди. Шунингдек, мазкур маданият уйининг мақомчилар дастаси ижро этган ўзбек классик куй ва ашулаларини тўпланганлар зўр қизиқиш билан тинглаб томоша қилдилар.

С. СИРОЖИДДИНОВ.

«ОСМОН ТЎЛА ЮЛДУЗЛАР»

• *Соғлом авлод учун*

«БИЗГА ҲЕЧАМ ИШИНГИЗ ТУШМАСИН»

Дунёда нима кўп-касбкор кўп. Ҳар ким ўз имкону қобилиятига қараб қўлидан келган ишни қилади. Ўз соҳасининг моҳири бўлиш, уни севиш, ардоқлаш яхши.

Ҳожиназар аканинг тузалиб чиқаётган беморлар билан «энди бизга ҳечам ишингиз тушмасин», деб хайрлашиши эса унинг ўз касбига меҳри йўқ ёки камлигидан эмас, аксинча. Чунки, у киши ниҳоятда тажрибали шифокор. Ўз касбига бор билимини, меҳрини бағишлаган. Қолаверса, Олтиариқ туманига ягона нусҳада келтирилган ноёб «Гемосорбция» аппаратининг Ҳожиназар Муқимов бошчилик қилаётган бўлимга ўрнатилиши ҳам унинг шунчаки бир табиб эмаслигидан далолат.

— Бу нарса кашфиёт ёки янгилик эмас, — дейди ўзи. — Одамлар сўрашаётиб ҳам аввал тан сиҳатликни, кейин эса ишларни суриштиришади. Тўғри-да; инсон соғ бўлсагина ишлари ривож топади.

Бизнинг қаҳрамонимиз ҳаёт-мутойибани ёқтиради. Кулдиришга, кўнгил олишга жуда уста. Бу табиб учун жуда муҳим хислат. Зеро, бемор учун дастлабки муолажа— бу муомала.

Ҳожиназар Муқимов Олтиариқ туманидаги 2-марказий касалхонанинг реанимация бўлими бошлиғи. Биринчи тоифали болалар шифокори. Ҳаммамиз бир-бирмизга керакмиз, — дейди у. — Менга келсак, ҳамманинг кўнглига кириб чиқиш қийин. Кўпчиликнинг ичида ўзимга яраша ҳурматим бор, деб ўйлайман. Хуллас, менга кимнинг муносабати қандайлигини билмадиму, эшигимиз кеча-ю кундуз очиқ, қулфланмайди.

— Бўлимдаги ишлар қалай? Кўрсаткич, режалар дегандай...

— Бизнинг соҳада гап план тўлишида эмас, кўнгил тўлишида. Халқимиз орасида беморлар қанча кам бўлса, борлари ҳам тезроқ шифо топса — биз учун муҳими шу.

— Албатта, соғлиққа нима етсин! Лекин яхши ниятнинг амалга ошиши учун шарт-шароит ҳам кўнгилдагидек бўлиши керак-да?

Бўлимимизда меҳнат қилишимиз ва беморларнинг шифо топиши учун ҳамма шарт-шароитлар бор. Тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ таъминланганмиз. Айниқса, «Гемосорбция» аппарати бизга жуда қўл келяпти. Унинг «каромати» шундаки, инсоннинг қонини бир томондан тозалаб, иккинчи томондан яна ўзига қуяди. Заҳарланган, оғир сариқ билан хасталанганларни даволяпмиз.

Сиз асосан болалар касаллиги билан шуғулланасиз. Демак, эртанги кунимиз эгаларининг соғлиғини, ҳаётини кўриқлайсиз. Бунинг масъулияти ҳам бошқача бўлса керак?

— Ана шу масъулият бизни доимо ҳушёрликка чорлайди. Инсон умри муқаддас нарса. Уни бепарволик ёки билимсизлик билан узиб қўйиш—энг оғир гуноҳ. Гиппократ қасамини бузишни эса Ватанга хиёнат қилиш билан баробар, деб ўйлайман...

Жуда таъсирли, кўнгилга етиб борадиган гаплар, тўғрими? Муҳими, сохта эмас.

У касалликни фақат даволаш билан чекланиб қолмайди. Унинг олдини олиш учун ҳам жон куйдиради. Ў ўз иш фаолияти давомида туман ҳамда вилоят газеталарида болалар ва оналар касалликларига алоқадор мақолалар билан ҳам мунтазам қатнашиб туради. Вақтивақти билан далаларга, ташкилот, муассасаларга чиқиб маърузалар қилади.

— Ҳар ҳолда, ҳаракатларимиз беҳуда кетмаяпти,— дейди у. Масалан, бу йил туманда болалар ўлими 1992 йилга нисбатан 7 фоизга камайди. Айниқса, юқумли касалликдан нобуд бўлиш анча қисқарди. Шу ўринда айрим ота-оналарга гинам бор. Улар касал фарзандларига бироз бепарво қарашади ёки ўзларича даволашга уринишади. Бунинг оқибати ҳамиша ҳам яхши бўлавермайди. Шунинг учун, илтимос, касалликнинг биринчи аломатлари кўриниши биланоқ бизга мурожаат қилинг. Негаки, азиз фарзандларимизнинг соғлиғи бизнинг энг улкан бойлигимиздир.

Шуҳрат ИБРОҲИМОВ, суҳбатлашди.

ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ШАРҲЛАР

• *Қадрият*

ТЕРИМЧИ НОМИДАГИ МУКОФОТ

ФАРҒОНА (вилоят мухбиридан). Бу аёл ўтган йилларда қўлда пахта териш бўйича республика рекордини ўрнатган. Илғор теримчилар устози. Узоқ йиллар Қува туманидаги жамоа хўжаликларига раҳбарлик қилган. Қишлоқларни ободонлаштириш, деҳқончилик маданиятини юксалтириш ҳақида қайғурган инсон эди.

Қува тумани ҳокимлиги фаол аёл — Шакархон Мўминова номини абадийлаштириш учун унинг номидаги мукофотни таъсис этиш таклифи билан чиқди. Таклиф Фарғона вилояти ҳокими қарори билан маъқулланди. Вилоят бўйича 50 нафар илғор теримчига шундай мукофот — 50 минг сўмдан пул мукофоти бериладиган бўлди.

Шавкат ИСРОИЛОВ.

• *Саломатлик*

ЎСМИРЛАР ШИФОХОНАСИ

ЖИЗЗАХ (вилоят мухбиридан). Шаҳарда ёш авлодни соғлом бўлишига аҳамият берилаётир. Ўсмирлар учун мўлжалланган диспансернинг очилиши ҳам шундан нишона.

Илгари шаҳар бўйича поликлиникаларда ўсмирларни қабул қилувчи иккита кабинет бор эди, холос. Энди ўн икки нафар ихтисослашган малакали врач ёшларга тиббий ёрдам кўрсатмоқда. 15—18 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ҳисобга олиниб, уларнинг соғлиғи назоратга олиняпти.

Бахтиёр РИЗАЕВ.

• *Қулайлик*

ҲИММАТ ВА ХИЗМАТ

НАМАНГАН. Вилоят шаҳар ва қишлоқларида аҳолига қулайлик яратиш йўлида хайрли ишлар қилинмоқда.

Косонсой шаҳридаги пойабзал фабрикаси усталари болаларбоп туфли ва кузги-қишки ботинкалардан 28 хилини тайёрлаб, савдо тармоқларига жўнатишди. Нориндаги Мингчинор мавзесида эса Охунбобоев номли маҳаллада 95 оила ҳовли тўйи ўтказди. Кўчалар асфальтланиб, хонадонларга газ, сув тармоқлари тортилди. Келаси йилдан Чортоқ ва Янгиқўрғон туманлари боғдорчилик, узумчилик ва сабзавот етиштиришга мўлжалланмоқда. Ҳозирданоқ Янгиқўрғон пахта пункти ўрнида консерва тайёрлаш цехи иш бошлади.

Турғунбўлат СУЛАЙМОНОВ.

• *Сулола*

БОБОМЕРОС ҲУНАР

ЖИЗЗАХ. Бахмал туманидаги Новқа қишлоғида яшовчи уста Абдужалил ака Маматқаримов ясаган нақшинкор, бежирим пичоқларни излаб турли вилоятлар, ҳатто Тожикистон-у Қозоғистондан ҳам келишади.

Абдужалил ака шу қишлоқда яшаб ўтган машҳур уста Дўстмаматнинг чевараси, уста Асқарнинг невараси. Отаси ҳам шу қадимий касбни ардоқлаб, фарзандига мерос қолдирган.

— Ҳунаримизни Новқада пайдо бўлиш тарихи 300 йилларга боради, — дейди уста, — Бундан 10—15 йил муқаддам халқ ҳунармандчилигига эътибор сусайиб, бу иш билан шуғулланадиганлар турли маҳкамалар тазйиққа олган пайтларда ҳам касбни ташламадик. Кейинги йилларда эл қатори бизга ҳам истиқлол шабадаси тегиб, устахонани тикладик. Қишлоқ халқига зарур бўладиган ҳар хил буюм, асбоблар давлат дўконларида бўлавермайди, бори ҳам дидга тўғри келмайди. Шунинг учун болта, теша, ўроқ, кетмон, кулдон сингари ҳамқишлоқлар тирикчилигига ярайдиган буюмлар ясаймиз. Асосан, пичоқ, эгар, бешик ясаш билан шуғулланамиз.

Пардабой ТОЖИБОЕВ.

• *Луқма*

МАШРАБ ВЛКСМ АЪЗОСИМИ?

Мустақиллик секин-аста ўзлигимизни қайтиб беряпти. Биргина Тошкентда қайта номланган жойлар, кўчаларнинг саноғи йўқ. Шулардан бири — ҳозир «Машраб» номи билан юритилаётган, илгари «ВЛКСМ 30 йиллиги» деб аталган кинотеатрдир.

Ана шундай қувончли ўзгаришлар силсиласида айрим ғаройиб — кулги десакмикан, ҳайронлик десакмикан, ишқилиб, ғалати туйғу уйғотадиган воқеалар ҳам учраб турибди.

«Мумтоз шоиримиз Машраб ВЛКСМ сафига кирибди» деган гапни эшитсангиз, куласизми, ҳайрон бўласизми, жаҳлингиз чиқадими? Тўғриси, бу гапга ишонмайсиз. Аммо, шошилманг. Яхшиси, ҳозирги кунда ҳам мавжуд «Совет» кўчасида жойлашган Машраб номидаги кинотеатрнинг пештоқига қаранг. Унда кимларнингдир кўзини ўйнатиб ВЛКСМ нишони турибди... Кинотеатрга ном берганлар Машраб билан ВЛКСМнинг «боши бир қозонда қайнамаслиги»ни эътибордан соқит қилган шекилли...

Бу жуда майда гапга ўхшаб туюлиши мумкин. Лекин, мустақилликни шунчаки, жўн воқелик сифатида эмас, теран бутун моҳияти билан идрок қилган киши бундай «майда-чуйда»га йўл қўймаслиги керак.

Яна бир мисол. Мустақиллик йўлига киришимиз биланоқ миллий авиакомпаниямиз вужудга келган, унга «Ўзбекистон ҳаво йўллари» деган ярашиқли ном берилган эди. Аммо, компаниянинг билет кассалари тепасида ўқлоғидай ҳарфлар билан ёзилган «Аэрофлот» деган битикнинг ҳамон савлат тўкиб турганига нима дейсиз? Бу нима— бепарволикми, масъулиятсизликми?

Бундай мисолларни, афсуски, жуда кўплаб келтириш мумкин. Бироқ, ният — нуқсонларни санашдан иборат эмас, балки ҳамюртларимизни бепарволик касалидан тезроқ қутулишга, масъулиятни ҳис қилишга даъват этишдир. Мустақиллик ҳар бир ишда ҳушёрликни, масъулиятни талаб қилади. Шуни унутмайлик!

М. ХЎЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

«СУСАМБУЛ—БАХТИЁРЛАР ШАҲРИ»

Самарқанд шаҳар Темирйўлчилар тумани маданият уйи қошида фаолият кўрсатаётган «Бумеранг» ёшлар театри студияси ижодий жамоаси томонидан саҳналаштирилган «Сусамбул—бахтиёрлар шаҳри» деб номланган қувноқ мусиқий саҳна асари кенг томошабинлар оммаси томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Шарқ афсоналари, латифа ва қувноқ эртаклар асосида замонавий руҳ билан саҳналаштирилган саҳна асари куй ва қўшиқларга, ичакузди саргузашт ва ҳангомаларга бойлиги билан ҳам театр шинавандаларининг олқишига сазовор бўлмоқда. Спектаклни иқтидорли режиссёр Зулфия Диёрова саҳналаштирган. Асар руҳига мос саҳна безакларини эса рассом Галина Жарикова ишлаган.

С. САЛОҲИДДИНОВ.

• *Кўнгилни дўст кўтаради*

ЗАҲМАТ, САВОБ, САРҲИСОБ



Биз қалам аҳли пахтакорлар, чорвадорлар, боғбонлар, шифокорлар, олимлар, мураббийлар, қурувчилар ва бошқа касб соҳиблари ҳақида кўп ёзамизу, савдо ходимларига келганда андак ўйланиб қоламиз. Кўнглимизга ҳар хил фикрлар келади. Қандайдир бир куч мулоҳаза тўхтатиб қолгандай бўлади. «Савдо ходимими, тушунарли...» деймиз ўзимизча файласуфона. Ҳолбуки, тушунарли эмас. Улар ҳақида ёзиш, лутф қилиш даркор.

Нима десангиз денг, ҳар куни савдо аҳлига ишимиз тушиб туради, ейишимиз, ичишимиз, кийинишимиз, кайфиятимиз уларга, хизматига, ҳимматига боғлиқ. Тўғри, ҳеч бир замонда савдо аҳлига қийин бўлган эмас, масалан, биз улар ичида тирикчилигидан зорланганини эшитганимиз йўқ. Кейинги ғала-ғовур замонда-ку, халқ айтганидек, ўзинигина билиб, ўзгани қўядиган савдо ходимларининг куни туғди. Лекин нопок, виждонсиз одамлар ҳамма соҳада ҳам топилади. Гап улар ҳақида эмас.

Эл-юртга сидқидилдан хизмат қилаётган, ишбилармон, инсофли, ориятли, ҳожатбарор, савобталаб одамлар ҳақида кўп ёзиш, керак. Ҳикоямиз қаҳрамони, савдо аълочиси Тошпўлат Шарипов ана шундай эътиборли инсонлардан.

Биримиз она юртимиз — Челак, Пайариқ томонларга йўлимиз тушса, Тошпўлат акани бирров кўриб, вақт бўлса чақ-чақлашиб ўтишга ошиқамиз. Бошқа биримиз кун ора дийдорлашиб, тўй-маъракаларда бирга бўлиб, сайр-саёҳатларга чиқиб турсак-да, яна кўришгимиз келаверади. Ўзи шундай: кўнгли тусамаган одамлар салом-алик қилишадию бир-биридан тезроқ узоқлашиш пайида бўлишади, кўнгли кўнглига тўғри келадиган одамлар қанча отамлашса ҳам камлик қилади.

Тошпўлат ака билан суҳбатлашиш бағоят мароқли. Уламо билан уламо бўлиб, фузало билан фузало бўлиб, ҳар қандай касб соҳиби билан унинг ўз тилида гаплаша олади, билими, тафаккурининг кенглиги, бой ҳаёт тажрибаси, одам кўрганлиги, кўп дўст, биродар орттирганлиги шунга имкон беради. Савдо аҳли ичида бу кишичалик адабиёт, санъат шайдосини кам кўрганмиз. Айниқса, мумтоз адабиётимиз, кўҳна тарихимизни яхши билиши, ҳодислар, ҳикматлардан ибратли иқтибослар келтириши, дилбар рубоий, ғазалларни ёддан ўқиб беришига беш кетамиз—аслида бизни, бошқа-бошқа соҳа одамларини яқинлаштирган, тутиб турган асосий боис ҳам шунда.

Лекин Тошпўлат ака ўзи, қилган ишлари ҳақида кам гапиради. Бу одам ўзини савдога бағишлаганига қирқ йил бўлибди. — Қирқ йилдан ўн йили Бухорода, ўттиз йили туғилиб ўсган Челак шаҳрида. Оддий хизматчиликдан бошлади, матлубот жамиятида йўриқчи бўлди, савдо техникумида дарс берди, матлубот жамиятида турли раҳбарлик лавозимларида узоқ йиллар ишлади. Гап лавозимда, ким бўлиб эмас, қандай ишлаганида. Тошпўлат Шарипов қаерда хизмат қилмасин, бурчига ихлос, маъсулият билан ёндашди, яхши из қолдирди, ҳурмат-эътибор қозонди, идораси байроқ, мукофотлар олди, ўзи ёрлиқ, нишонларга сазовор бўлди, қишлоқ, район кенгашларига депутатликка сайланди. Олтмиш ёшини нишонлаётган бу киши ҳозир ҳам эл-юрт хизматида. Қирқдан ортиқ савдо-сотиқ, маиший хизмат бинолари қурилишида Тошпўлат аканинг муносиб ҳиссаси, ташаббускорлиги, саъй-ҳаракатлари бор.

Тошкентдан борган олим, ижодкор ҳамкасбларимиз ҳали-ҳали имом Бухорий мақбараси, масжидининг таърифини қилишади, бетакрор Челак яхнаси, ёғли патирлари таъми тилида турганини, хушфеъл, меҳмонновоз, валломат одамларимизни, жумладан Тошпўлат Шариповни тез-тез эслашади.

Соғлиқдан ортиқ бойлик йўқ. Юрса ер гурсиллайдиган, алпқомат одамга бир дард ёпишди денг. Бир оёғидан чипқонми, ярами чиқиб, катталашиб, тепага ўралаб, хуруж қила борди. Бу ердаги муолажалар наф бермади. Москвага олиб боришга тўғри келди. Моҳир жарроҳлар сўнгги чорани қўллашди — бир оёқни тизза баландидан кесиб ташлашди. Оёқ кетди, лекин, худога шукр, жон омон қолди. Жигарбандлари навбатма-навбат ёнида бўлишди, оқибатли дўст-ёронлар ҳабар олиб туришди. У киши Москвадан қайтгач биримиз Челакка, қўргани борганимиз эсимизда. Қучоқлашиб, ҳол-аҳвол сўрашгандик кейин, «Москвада, касалхонада Хайрулла Сайдиев ҳақидаги мақолангизни ўқидим, Ҳасан ака юборган экан, марҳум дўстимиз, районимиз раҳбари хотирасига яхши иш қилибсиз», — дедилар. Мен таъсирланиб, нима дейишим, қандай таскин беришимни билмай турибман-у, у киши дарҳол гапига гапни улаб, ноқулай дилгирликни қўтариб юбордилар.

— Бир оёқдан ажралдим деб асло ўксинманг, ака, — дея олдим мен. Сиз биз билган, ихлос қўйган энг бутун одамлардансиз. Энди узоқ яшайсиз. Сиз билан ҳали кўп марталаб отамлашамиз».

Ҳасан ХУДОЙБЕРДИВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

Сайди УМИРОВ, ёзувчи.

• *Одамлар ва тақдирлар*

Чустга Бразилиядан меҳмон келди.

Давлатимиз мустақиллигининг икки йиллиги арафасида бу меҳмоннинг кириб келиши Қодирхон ака хонадонига қўшалоқ байрам бўлди. Аслини олганда Зокирхон ака ҳам сиз-у биз каби шу муқаддас юртимизнинг фарзанди, ўз елкасида неча-неча талатўпларни ўтказган она еримиз дилбанди эди. Афсуски, 1941 йилда бошланган уруш она юртидан узоқ муддатга ажратиб қўйди.

ЖИГАРБАНДЛАР ДИЙДОРИ

БУНИНГ УЧУН 52 ЙИЛ КЕРАК БЎЛДИ

Хонадон соҳиби Қодирхон акадан ўзимизни қизиқтирган саволларга жавоб олишга ҳаракат қилдим.

— Зокирхон акам уруш бошланганда колхозда трактор ҳайдардилар. Биз оилада тўрт қиз, икки ўғил эдик. Қирқ иккинчи йили акам 17 ёшида урушга кетдилар. Баъзи хатлари орқали биз акамни яradор бўлганлари ва даволаниб чиққач, яна жангни давом эттирганларидан бохабар бўлиб турдик. Қирқ бешинчи йили акамдан хат-хабар келмай қолди. Кейинчалик акам ҳақида бедарак йўқолди, деган хабар келган.

— 1956 йили акамдан мактуб олдим. Аммо ёзишмаларимизни йўлга қўйишнинг иложи бўлмади. Баъзи ташкилотлар оворансарсон қила бошладилар, — деди Қодирхон ака.

Худди шу йили бир-бирини топган жигарлар «қизил империя» туфайли узоқлашдилар. Лекин бу сафар айрилиқ узоқ муддатга чўзилишини билмасдилар.

Айрилиқ қанчалик узоққа чўзилмасин Қодирхон акада акасини топиш, унинг дийдорига тўйиш умид учқунлари алангаланаверди. 1990 йили Россия Федерацияси Қизил хоч жамиятига ёрдам сўраб мурожаат қилди. 1993 йили январь ойида Россия Федерацияси Қизил хоч жамияти Ахборот ва қидирув маркази қўмитаси референти Кошель номидан мактуб келди. Унда, жумладан, шундай дейилган эди:

«Ҳурматли Қодирхон!

Бразилия Қизил хоч жамияти хабарига кўра, Зокирхўжа ушбу манзилда истиқомат қилади». Унда манзилгоҳ ва телефон номерлари берилган эди.

Бу хабардан сўнг кейинги пайтда соғлиғидан тез-тез нолиб юрадиган Қодирхон акага ғойибдан куч бағишлангандай бўлди. Бир қанча уринишлардан сўнг телефон орқали боғланишга эришилди. Ана энди манзарани кўз олдингизга келтиринг. 13-14 ёшлар чамасидаги ялангоёқ йигитча кўзда ёшини шашқатор қилиб акасини урушга жўнатса-ю, ва ниҳоят, эллик икки йилдан сўнг омон-эсон-ликлари маълум бўлиб, телефонда гаплашиш имкони туғилса!

Икки ёнида ўғиллари қўл тиқлаб олган Қодирхон аканинг бутун вужуди титраб кетди. Телефонда эса «Ман Зокирхўжаман, худога шукр» деган сўзлар қайта-қайта такрорланарди. Қодирхон ака ўзини қўлга олиб гапира бошлади. Аммо трубкадан «Мен Зокирхўжаман, худога шукр» деган гап яна қайтарилаверарди.

Телефондаги мулоқотдан кейин хат олишлар ва яна қўнғироқ қилишлар бошланиб кетди.

Қодирхон ака акасини Чуст шаҳридаги Зафар Диёр кўчасидаги уйига таклиф қилар, Зокирхон ака эса укасини Бразилияга келишга даъват этарди.

— Назаримда акам келмайдигандай, бир умр кўришмайдигандай туюлаверарди, — дея ҳикоясини давом эттирди Қодирхон ака. — Ота-онам, опаларим, акам танийдиган барча қариндош-уруғларни номма-ном эринмай ёзиб чиқдим. Ўзим бир қулоч бўлди. Хатнинг охирига шу яқинларимизнинг ҳаммаси сизни кўролмай армон билан ўтиб кетдилар, деган гапни бўртириб қўшиб қўйдим.

Шу мактубдан сўнг Зокирхон ака Чустга келиш ҳаракатига тушиб қолдилар. Шу йил август ойининг ўрталаридан сентябрь ўрталаригача Қодирхон ака хонадонидан одам аримади. Қариндош-уруғлар, таниш-билишлар меҳмонни зиёрат қилишар, иложи бўлса «бир чўқим» ошларига олиб кетишга ҳаракат қилишарди.

Маълум бўлишича, Зокирхон ака 1945 йили Будапешт учун бўлаётган жанглар-нинг бирида портлаган бомбадан кантузия бўлади. Мўъжиза туфайли омон қолади. Вужудини аллақандай дард эгаллаб, тилдан, ўйлаш, фикрлашдан ажралиб қолади. Етти йилдан сўнг ўзини Бразилиянинг Порту-Алегри шаҳрида эканлигини билади. Орадан қандай воқеалар ўтган?! Бу ерга ким олиб келган?! Нимани ҳисобига оч-наҳор ўлиб кетмай, тирик юрибди — ҳеч нарсага тушуниб етмайди. Назарида азал-азалдан худди шундай яшаб юргандай. Наҳотки ёнгинасида юз берган мудҳиш портлаш бор-будини, ўтмиши, она юрти, қадрдонлари, тилини-ю, дунёсини ўчириб ташлаган бўлса. Аллақандай бир завод рўпарасидаги ётоқхонада яшар, хонасида бир каравот ва бир дона табуретка бор эди, холос. Саҳарлаб туриб корхона атрофини, катта кўчани чиннидек ярқиратиб супуриб қўяр ва шу меҳнати эвазига бир амаллаб кун кечирарди. Зокирхон соғлиғи тиклана бошлаши билан завод атрофи ва кўча-кўйдан топган темирлардан ҳар хил асбоблар ясай бошлади. Урушгача трактор мингани қўл келди. Темирга ишлов беришни биларди. Ясаган нареалари тузуккина чиқади. Энди иш қизиб бораётган пайтда корхона раҳбари у ясаган асбобларни олиб қўйишни буюради. У бир ҳафтагача йиғлаб-сиқтаб нарсаларини қайтариб олишга эришади. Завод раҳбари бу асбобларни қандай ясагани билан қизиқиб қолади. Буларни ўзи ясаганми-йўқми, тоза суриштиради.

Бир мўлжал асбоблар йиғилиб қолгач, Зокирхон қайсидир ойномада ўзидаги нарсалар ҳақида маълумот бериш-га эришади. Орадан кўп ўтмай унинг ибораси билан айтганда, бир «герман» келади. У Зокирхон акани қийин-қистовга олади. У эса ўзбекчалаб «мен ўзбекман» дейишини қўймайди. Ҳартугур «герман» инсофга келади. У қийнашни қўйиб, ясаган нарсаларини сотиб олиб, айрим хилларидан кўпроқ ясашга бюртма беради. Қишлоқда ўсган одам ерсиз яшолмайди. Зокирхон ака «герман» берган пулга бир ярим гектар ер сотиб олади. Кечани-кеча, кундузни-кундуз демай меҳнат қилади. Ўз билак кучи билан узунлиги юз метр чамаси павильон қуради. Ишлар аста-секин юриша бошлайди. Оила қуради, фарзандли бўлади. Ўша жойда бугунги кунда йирик фабрика қад кўтарган. Зокирхон аканинг Ҳакимхон, Алихон, Валиҳон ва Зокирхўжа (нима учундир кенжа ўғилларига ўз номларини берганлар) исмли ўғилларининг ҳаммалари маълумотли. Катта ўғли онаси билан бошқа шаҳарда туради. Иккинчи ўғли газ бўйича мутахассис, қолган икки ўғиллари эса оталарининг фабрикаларида меҳнат қилишади. Зокирхон ака ҳозирги кунда иккинчи ёстиқдошлари билан умргузаронлик қилмоқдалар. Фарзандларининг ҳаммаси биринчи уйланган аёлидан.

Айрилиқ йиллари ўз таъсирини ўтказибди. Зокирхон ака она тилида энди тили чиқаётган боладек аранг сўзлашарди. Ўзбекча урф-одатлар, умуман эсларидан чиққан. Одамларимизнинг бирбирига меҳр-оқибати уни лол қолдирганди.

Қодирхон аканинг аёли тоби қочиб қолгани учун нон ёпиш, бошқа юмушларни қўшни аёллар беминнат бажаришидан меҳмонлар ҳайрон қолишди. Ён қўшнилари Зебуннисо опа чиқиб нон ёпаётган пайтда меҳмон рафиқаси Эльмахоним билан тандир ёнидан кетолмай қолишди. Опанинг чаққон ҳаракатларига хоним ҳавас билан қарар, «қўлларингиз куйиб қолмайдими?» деб ажабланиб қўйишарди.

Нон ёпиб бўлингач, Зокирхон ака қўшни аёлдан «Қизим, сиз ҳамманинг нонини ёпиб берасизми?» деб сўради. Қўшни аёл «меҳмон мени чўри деб ўйлади шекилли», деб бу воқеани кулиб гапириб берди.

Меҳмонлар қўшни аёлникига меҳмонга киришни ихтиёр этишди. Олти нафар ўғил ва икки қизни тарбиялаётган хонадон соҳиблари Абдураҳим ака ва Зебуннисо опага таҳсинлар айтдилар.

Укаси акасидан фабрикаларда, улар ишлаб чиқаётган нарсалар ҳақида сўраганида Зокирхон ака «борсанг кўрасан» деб жавоб берди.

Эльмахоним ҳуқуқшунос экан. У кишига Чуст шаҳри, унинг меҳр-оқибатли кишилари жуда ҳам маъқул бўлди. У киши шу ерда яшашга рози эканликларини билдирди.

Қодирхон аканинг гапига қараганда, кунлар ўтиши билан акасининг тили равонлаша борган. Биринчи галдаги телефон орқали мулоқотни эслатиб «нега бошқа гапирмадингиз?» деб сўраганида, у киши бошқа гапни билмаслигини тан олди. Ҳақиқатан ҳам ҳар бир мулоқот олдидан Зокирхон ака ойлаб тайёргарлик кўрган, сўзларни эслашга ҳаракат қилган экан.

Меҳмон билан ўзлари туғилиб ўсган Зувутқанд қишлоғидаги ота ҳовлига борганларида Зокирхон ака билан ёшликда бирга ўсган тенгдошлари йиғилишди. Меҳмон уларни эслашга ҳаракат қилар, тенгдошлари орасида бўлиб ўтган ёдда қоларли бир воқеани эслатишгач, Зокирхон ака уларни қайта бағрига босарди. Меҳмоннинг қишлоқдошлари орасида кимникига бориши кўп тортишувларга сабаб бўлди. Ҳамма ҳам бир пиёла чойга таклиф этишга уринарди. Тортишувга жамоа хўжалиги раиси нуқта қўйди. У кишининг таклифига кўра, қишлоқнинг катта-кичиги бир жойда йиғилиб, меҳмон билан учрашув бўладиган бўлди. Бу маросим кутилмаган катта байрамга айланиб кетди.

Қишлоқдошлар билан учрашувдан сўнг улар киндик қони тўкилган хонадонда ётиб қолдилар. Азонлаб турган Қодирхон ака ёнида акасини кўрмай ҳайрон қолди. Бироз кутгач, ташқарига чиқди. Ташқарида Зокирхон акани оталари экkан азим дарахтни қучоқлаб йиғлаётган ҳолда кўрди. Қадрдон ҳовли кўп нарсани эсга солганди.

Қўлимда Зокирхон аканинг суратлари. Тетик, нари борса эллик ёшлар чамаси берасиз. Ватанни кўриш, туғроғини кўзга суртиш орзуси у кишини навқирон тутиб тургандай. Қодирхон ака эса у кишининг акси, армонлар, ака дийдорига зориntизорлик ўз ишини қилмай қўймаганди. Узоқ соғинч бевақт қаритиб қўйгандай.

Меҳмонлар Бразилияга қайтиб кетишди. Энди насиб қилса, Қодирхон ака ўғиллари билан бориб келмоқчилар. Кейин акалари ҳам булар билан бутунлай қайтиб келади.

Тақдир... Эллик икки йилдан кейин жигаргўшалар дийдор кўришдилар. Қани энди, Аллоҳ марҳамат қилса-ю, яна қанча армон билан яшаётган хонадонлар ҳам шундай бахтга мушарраф бўлсалар.

Юсуфбек ФАЙЗУЛЛА ўғли.

• *Хабарингиз борми?*

«ЗАРИФПАК» ВАЛЮТА ИШЛАЯПТИ

Афсонавий шаҳар Зарафшонни нафақат ҳамдўстлик мамлакатлари, балки эндиликда жаҳон таниляпти. Бунинг боиси бор, албатта. Чунки, Қизилқум сарқадларидаги шаҳар ўзининг катта заҳирага эга бўлган олтин кони билан дунёга машҳур. Мана шундан бўлса керак, хорижий ишбилармонларнинг Зарафшонга қизиқиши тобора ортмоқда.

Бу эса олтинтопарлар шаҳрида қўшма корхоналарнинг кўпайишига олиб келмоқда. Бунга мисол қилиб, францияликлар ҳомийлигидаги «Агама», америкаликлар ҳамкорлигидаги «Зарифпак» қўшма корхоналарини кўрсатиш мумкин.

АҚШ ва Ўзбекистон иқтисодий алоқаларининг илк дебочаси бўлган «Зарифпак» қўшма корхонаси хусусида тўхталадиган бўлсак, бу корхона жумҳуриятда ягонадир. Чунки унда Мурунтов олтинининг белгиланган бир қисми қайта ишланиб, заргарлик буюмларига айлантирилади. Собиқ Иттифоқ даврида эса бу орзу эди, холос. Мурунтов олтини керагича қазиб олинарди-ю, тўғридан тўғри марказга ташиб кетиларди. Энди бўлса, Олмалиқ, Маржонбулоқ сингари Мурунтов олтини ҳам мустақил Ўзбекистон хазинасида қолаяпти. Демак, уни қайта ишлаб, жаҳон бозорига кўз-кўз қилишнинг вақти етди. Шунинг учун ҳам Навоий кон-металлургия комбинати тадбиркорлари хорижданми, таниқли чет эл фирмаларидан шериклар излашга қарор қилишди.

Натижа эса кутилганидан ҳам зиёда бўлиб чиқди. Американинг таниқли «Неймонт—Майний» фирмаси билан қатъий ҳамкорлик йўлга қўйилди-ю, қўшма корхонага асос солинди. Мана бир неча ойдирки, тамомила хориж асбоб-ускунаси ва технологиясига асосланган ушбу корхона ўз маҳсулотларини ишлаб чиқармоқда.

Қисқа вақт ичида корхона жамоаси беш тоннадан ортиқ соф олтинни қайта ишлаб, ўнлаб турдаги бўйинга тақиладиган тилла занжирчалар, хотин-қизлар билакузуклари, исирға ва бошқа тақинчоқлар ишлаб чиқарди. Янги йилнинг дастлабки ойларидан бошлаб бу ерда 30 турдаги ўта ноёб ҳамда харидорбоп олтин зираклар ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

Энг диққатга сазовори шуки, корхона иқтисодиёти мунтазам ўсиб бораётир. Чунки сифати ва бежиримлиги жиҳатидан жаҳон бозорибоп қилиб ишлаб чиқарилаётган олтин тақинчоқлар деярли Америка доллари ва бошқа валюталарга баҳоланяпти. Бундан ташқари, корхона олаётган буюртмаларнинг асосий кўпчилиги ривожланган Ғарб мамлакатларидан тушаяпти.

Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



«Соғлом танда соғ ақл» деган нақл бор. Агар танангизда озгина оғриқ бор экан, салом алигингиз ҳам бежо. Кайфиятингиз-ку... қовоғингиздан қор ёғай дейди. Сиз суратда кўраётган кишилар худди шу масалада бош қотиришади, қисқача айтганда, дори тайёрловчилар. Ишқилиб, одамларнинг сиҳати учун жон куйдиришади. Уларнинг фаолият кўрсатадиган қароргоҳи эса Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги дорихона.

СУРАТДА: Дорихона мудири Баҳром Ҳамидов ходимлари Санобар Зиёмуҳамедова ва Турсуной Ҳакимовалар билан иш устида.

Сурат муаллифи А. ТЎРАЕВ.

● ҚИШГА ТАЙЁРМИСИЗ!

Қишга тайёргарлик кўриш бўйича ишлаб чиқилган тадбирларда 40 дан ортиқ турли-туман ишларни амалга оширишни кўзлагандик. Эрта баҳорданоқ барча қозонхоналарни атрофлича текшириб кўрдик. Ҳар бир қозонхона бошлиғи қилинажак ишлар рўйхатини тузди. Шунга яраша маблағ ажратдик. Хилма-хил материаллар ва эҳтиёт қисмлар тайёрланди. Айниқса, марказий қозонхонада, шунингдек «Дўстлик-1» ва «Дўстлик-2» қозонхонасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Марказий қозонхона шаҳардаги барча турар-жойларга, болалар муассасалари, мактаб ва шифохоналарга хизмат кўрсатади. Уларга алоҳида эътибор берилди. Қилинган ишлардан энг аҳамиятлиси—сувни ҳаводан ажратиб берувчи жиҳозлардан 2 та ўрнатилди. «Металлист» ширкати мутахассислари эса 2 та иссиқлик алмаштирувчи ускунани бино ичидан ташқарига олиб чиқиб бергач, олдинги ноқулайлик тугади.

Шу ерда 1, 2, 3-қозонларнинг барчаси қайта таъмирланди. Қайта-қайта текширилиб, ишга солиб кўрилди. Яхши тозаланган қозонлар айни пайтда бенуқсон ишлаяпти.

Бу ишларнинг амалга оширилишида Нурмуҳаммад Дадажонов бошлиқ мутахассислар гуруҳи, Ўринбой Тожибоев бригадаси аъзолари, Марат Галиев бошлиқ ширкатчилар. Солихон Ғайбуллаев ва Турғунбой Тўхтасинов, пайвандчи Евгений Турфанов, Александр Тасимбетов, Гена Краваренко сингариларнинг меҳнатлари мақтовга сазовордир.

Яна битта хайрли ишга қўл урдик. 1994 йилда ҳар эҳтимолга қарши ишга тахт қолда туриши учун янги қозонхона биноси қурилаётир. Уни Ҳакимжон Орипов бошлиқ 151-қурилиш-таъмирлаш участкаси бунёдкорлари барпо этмоқдалар.

Марказий қозонхонада электр нури тез-тез ўчиб қолиш ҳоллари бўлиб турарди. Бунинг олдини олиш ниятида қўшимча кучланишли электр тармоғи қурилмоқда. Буларнинг ҳаммаси одамларнинг қиш кунлари қийналмаслиги, бемалол ҳаёт кечиришлари учун қилинаётир.

Орифжон ВАЛИЕВ, Наманган вилояти «Иссиқлик корхонаси» бош муҳандиси.

МУАММО ЕЧИМИНИ ТОПДИ

• *Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!*

ЭЛ МУЛКИ ЭГАСИЗМИ?

Вилоятимиз ички ишлар бошқармаси ходимлари томонидан пахта йиғим-теримига кўмакка келган ҳашарчиларнинг турар-жойлари назоратга олиниб, улар яшаётган жойларда осойишталикни, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга эътибор кучайтирилди.

Шу билан бирга пахта нобудгарчилигининг олдини олиш борасида ҳам турли тадбирлар ўтказилаётир. Аҳоли чорва молларининг пахтазорларга қаровсиз, баъзан уларни боқиш учун атайлаб қўйиб юбориши ҳолатлари аниқланди. Ходимларимиз қишлоқ Кенгаши ходимлари, маҳаллалаҳнинг фаоллари билан ҳамкорликда шу йилнинг пахта мавсумида 767 кишига тегишли 3267 бош молнинг пахтазорда ҳосилни пайҳон қилиб юрганлигини аниқладилар. Мол эгаларига жами 1 миллион 528 минг сўмликдан кўп жарима солинди.

Пахта нобудгарчилигига йўл қўйиш ҳолатлари бўйича Иштихон, Оқдарё, Гўзалкент ва Пастдарғом туманларининг ҳар бирида 100 дан ортиқ фактлар аниқланди. Баъзи кишилар эса пахтазордан кўсак юлиб келиб молига едирмоқдалар. Ходимларимиз бундай кишиларга нисбатан кескин чора-тадбирлар қўллаб, уларнинг қилмишига яраша жавобгарликка тортдилар.

Масалан, Иштихон тумани Охунбобоев номли жамоа хўжалигининг Одил қишлоғида яшовчи М. Худойқуова 3 бош қорамолни пахта майдонига ўзи ҳайдаб қўйиб юборгани учун унга 13.500 сўм жарима солинди. Нуробод тумани Саҳоба давлат хўжалиги 2 бўлим 119-отар чўпони ўз қарамоғидаги бир отар қўйларни Пахтачи туман Қурбон Ражабов номли жамоа хўжалигининг 12 бригадасига тушириб юборгани боис, давлатга 200 минг сўмлик зарар етказди. Ички ишлар ходимлари мазкур зарарни бепарво чўпондан ундириб олдилар. Шунингдек, Нарпай тумани қишлоғидаги 2-ўрта мактаб ўқитувчиси Н. Саҳибоев ва Пахтачи тумани Аллаёров номли жамоа хўжалиги 6-бригадасининг аъзоси, ҳеч қаерда ишламайдиган Б. Тошев молларига едириш учун кўсак юлиб келаётганида ушландилар. Уларга ҳам жарима солинди.

Айрим хўжаликларда пахта ташиш воситалари тележкаларнинг юк ташиётган пайтда пахта устига қанор тортилмаслиги ҳам пахта нобудгарчилигига сабаб бўлмоқда. Транспорт воситалари билан одамларни ташиш ва пахта ташиш қоидасини бузиш ҳолатлари ҳам назардан четда қолаётгани йўқ. Мавсум давомида жойларда ташкил қилинган давлат автомобиль назорати постларида транспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминламаган 200 та қоидабузарлик ҳолати аниқланиб, уларга нисбатан ҳам қонуний чоралар кўрилди.

Паҳлавон ШАМСИЕВ, Самарқанд вилояти ҳокимияти ички ишлар бошқармаси оператив штаби ходими, милиция майори.

Салоҳиддин ЗОҲИДОВ, вилоят ички ишлар бошқармаси шахсий таркиб билан ишлаш хизмати катта инспектори, милиция майори.

ҚАЛЛОБЛИКДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Наманган вилояти ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари йил бошидан бери қалбаки пул билан боғлиқ ўнга яқин жиноий иш қўзғадилар.

Задарё туманининг Гулбоғ қишлоғидаги бозорда шаҳрихонлик бир кимса 1993 йилда чиқарилган икки-та эллик минг сўмликка харидор қидира бошлади. Бир харидор топиб, иккаласини 150 минг сўмга беришга «рози» бўлди. Аммо, харидор пулларнинг у ёқбу ёғини айлантириб кўрди-да, айниди. Пул эгаси эса, барибир бир-икки кийимлик газмол ҳарид қилиб, «қадри баланд» пулидан қутилди. Бироқ, олдин айниб қайтиб кетган харидор милиция ходимларини бундан хабардор қилиб улгурган эди, улар фурсатни бой беришмади..

— Биринчи марта қалбаки пул эгасини дарҳол қўлга олишимиз, — дейди Наманган вилояти ички ишлар бошқармаси иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Т. Холматов. — Илгари қалбаки пуллар фақат банкда аниқланар эди. Бундай пулни топширган одамларни кейин аниқлардик. Улар — асосан хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари — бепарво сотувчилар, қассирлар, аптека ходимлари бўлиб чиқишарди. Асосий иши пул санашдан иборат бўлган одамларнинг қалбаки пулни асл пулдан фарқ қилолмаганига ҳайрон қолади киши. Аслида эса, қалбаки пулни ҳақиқий пулдан фарқлаш жуда осон. Ксероксда нусхаси кўчирилган 50, 10, 5 минг сўмлик Россия пулларининг қоғози юмшоқ, сув белгиларисиз, тасвирлари рангсиз, оч бўлади.

Хуллас, қаллоблар дастидан куйиб қолмай, десангиз, айниқса чайқов бозорларида эҳтиёт бўлинг. Милиция ходимлари бу борада фаол иш олиб боришяпти аммо, «Ўзингга эҳтиёт бўл, қўшнингни ўғри тутма», деган мақолни ҳам унутмаслик керак.

«БЎРОН» КЎП НАРСАНИ СУПУРИБ КЕТДИ

Тошкент милицияси ўтказган «Бўрон» операцияси жараёнида бир кеча-кундузда қидирувдаги ўн битта жиноятчи ушланди. Жиноятчиликка қарши кураш самарасини ошириш, қоидабузарликларнинг олдини олиш мақсадида ўтказилган бу операцияда ички ишлар бошқармасининг барча бўлинмалари иштирок этди.

Операция давомида саксондан ортиқ меҳмонхона, ётоқхона, ресторан, тунги кафе ва жиноят содир бўлиши мумкин бўлган жойлар текширувдан ўтказилди. Бузуқлик ва қоradори истеъмол қилиш билан шуғулланадиган икки юздан ошиқ киши аниқланди. Ўн иккита отиш қуроли мусодара қилинди, гараж ва машина турар жойларида етита эгасиз машина топилди. Илгари содир қилинган бир неча жиноят ҳам очилди. Барча ҳодисалар бўйича жиноий иш қўзғатилди.

(ЎзА).

ХАЛҚАРО КЎЗГУ

АФҒОНИСТОНДА ЖАНГЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

● **Афғонистон Ислом давлати Бош вазири Гулбиддин Ҳикматёр раҳбарлик қилаётган Афғонистон Ислом партияси билан Президент Бурхониддин Раббоний бошчилигидаги Афғонистон Ислом жамияти тарафдорлари ўртасида яна тўқнашувлар бошланди.**

Афғонистон ахборот маҳкамасининг хабарига кўра, ўтган чоршанба куни эълон қилинган ўт очишни тўхтатиш ҳақидаги буйруққа зид равишда Г. Ҳикматёр қўшинлари яна жангларни бошлаб юборган.

Афғонистон Президенти вакилининг таъкидлашича, узоқ вақтдан бери давом этиб келаётган муросасиз жанглар кўплаб афғон фуқаролари ўлимига сабаб бўлмоқда. Тагоб водийсида юз бераётган тўқнашувлар натижасида 200 нафардан кўпроқ тинч аҳоли ҳалок бўлган.

МИСР ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ БАЁНОТИ

● **Яқин олти ой ичида Сомалида юз бераётган воқеаларга снёсий йўл билан нуқта қўйиш керак, деб таъкидлади ўз баёнотида Миср ташқи ишлар вазири Амир Маҳмуд Мусо.**

— Бу ишга бош қўшишимиз табиий ҳодисадир. Чунки Миср президенти айни вақтда Африка бирлиги ташкилотининг раиси вазифасини бажармоқда. Эфиопия пойтахтида Сомалидаги вазиятни ўрганиш ва уни таҳлил қилиш мақсадида ўз ишини бошлаган конференция хулосаларига катта умид боғламоқдамиз, — деди Миср ташқи ишлар вазири.

ОЗАРБОЙЖОН — ЭРОН ҲАМКОРЛИГИ

● **Озарбойжон раҳбарияти Эрон Ислом жумҳуриятига Озарбойжон—Арманистон ўртасидаги келишмовчиликлар натижасида қувғинга учраганлар учун республика ҳудудида яна 17 та лагер қуриб беришларни сўраб илтимоснома юборди.**

Ҳозиргача Эрон томони Озарбойжоннинг Имишли, Соатли ва Собиробод районларида 11 та лагер қуриб берган эди. У ерда 41 минг қочқин ҳаёт кечирмоқда.

Озарбойжон раҳбарларининг сўровига биноан эронлик қурувчилар Агдам, Билкана ва Дашбрун районларида яна 11 та лагер қуриб берадилар.

Эрон шу йилнинг август ойида имзоланган битимга асосан Озарбойжон ҳудудида 100 минг қочқинга етарли бошпана бўладиган лагерлар қуриб беришга рози бўлган эди, деб хабар беради, Ирна ахборот маҳкамаси.

ХАВФСИЗЛИК ЧОРАЛАРИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

● **ТОКИО. Япониядаги Америка Қўшма Штатлари ҳарбий базаларида номаълум сабабларга кўра хавфсизликни таъминлашнинг кучайтирилган тартиби жорий этилди.**

Энди мазкур объектлар ҳудудига кирувчилар алоҳида махсус кўрикдан ўтадилар. Америка ҳарбий кучларининг матбуот бўлими вакили РАТА—ТАСС мухбирининг бу ҳолни изоҳлаш ҳақидаги сўровига рад жавоби берди.

Аммо Японияда тарқалган миш-мишларга қараганда, АҚШ ҳарбий базаларига қарши қўпорув ишларига тайёргарлик бораётгани тўғрисидаги хабар хавфсизлик чораларини кучайтиришга сабаб бўлган.

ХИТОЙГА САФАР

● **ПЕКИН. Уругвай Президенти Лакалье Эррера ХХР раиси Цзян Цзэмининг таклифига биноан Хитойга расмий ташриф буюрди.**

Пекинда бўлиб ўтажак учрашув ва музокаралар чоғида икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилиш кўзда тутилмоқда.

Уругвай Президентига сафарда мамлакатнинг 50 дан ортиқ ишбилармонлари ҳамроҳлик қиляпти.

НОРОЗИЛИК БИЛДИРДИ

ИСЛОМОБОД. Покистон Бош вазири Беназир Бхутто Ҳиндистоннинг Жамму ва Кашмир штатларида инсон ҳуқуқлари поймол этилаётганидан норозилик билдирди.

Покистондаги маҳаллий ахборот агентликларининг хабар беришича, ҳукумат раҳбари ўз баёнотида Покистон — Ҳиндистон музокараларининг муваффақиятли ўтиши учун Ҳиндистон ҳукумати мазкур штатлар аҳолисига нисбатан шафқатсиз сиёсат юритишга барҳам бериши кераклигини таъкидлаган. Шуни қайд этиш лозимки, 1992 йилнинг август ойида Деҳлида бўлиб ўтган музокаралар томонларнинг бир-бирига ён бермаслиги боис муваффақиятсиз тугаган эди.

ВАЗИЯТ БИЛАН ТАНИШУВ

● **МОСКВА. Россия бўйлаб сафарда юрган Швеция Бош вазири Карл Бильдт Мурманскдан Москвага қайтди.**

У бу ерга «стратегия» инсонпарварлик ва сиёсатшунослик халқаро маркази таклифига биноан келган эди. Мурманскда сайловолди сафарида бўлиб, швед ҳукумати раҳбари билан музокаралар ўтказган Россия ташқи ишлар вазири Андрей Козирев Карл Бильдтга ҳамкорлик қилмоқда.

Швеция Бош вазирининг журналистларга айтишича, унинг сафардан мақсади — Россия давлат думаси сайловига тайёргарлик, шунингдек, мамлакатдаги ички сиёсат вазият билан яқиндан танишишдан иборат.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди).

• *Онажоним, шеърият*

СОҒИНЧИМНИ КИМГА АЙТАЙИН?

(ЗАРИФАНИНГ МАКТУБИ)

Андижоннинг йўлларига бу кўзларим зор бўлди,
Соғинч деган бир қийноқни енгмоқлик душвор экан.
Келар йўлингизни тўсган сабаблар бисёр бўлди,
Соғинганда йўқлаб бормоқ бизга ордир, билмайсиз.

Бу паришон юрагимни хаёлингиз куйдиргай,
Айтинг, Сизга соғинчимни қай тил билан билдирай!
Бир соғинчки, ҳаётингиз ёғду билан тўлдиргай,
Сизсиз умр қўшиқ эмас, мунгли тордир, билмайсиз.

Исмингизга жон ёнидан жой берибман, билсангиз,
Мағрурликни бугун қўлдан бой берибман, билсангиз.
Ишқ гуноҳми, ё савоб билмай турибман, билсангиз,
Кўнглим ичра минг сўроғу, минг озордир, билмайсиз.

Сиз деганда хаёлларим кабутарга айлангай,
Юрак шабнам титраб турган суманбарга айлангай,
Андижондан келган садо жонгинамга жойлангай,
Сиз лоақал ўйларимда нелар бордир, билмайсиз.

Биз иккимиз икки дунё, мен тилсимот Сиз учун,
Бир бор йўқлаб келмоқ шунча мушкул наҳот Сиз учун!
Нечун бизни зор яратмиш то умрбод Сиз учун,
Чин меҳрнинг, садоқатнинг йўли тордир, билмайсиз.

УМР

Кимдир тилин, кимдир элин сотиб ўтди,
Кимдир кимга туҳмат тошин отиб ўтди,
Ким ҳақорат ботқоғига ботиб ўтди,
Ким адолат шамчироғин ёқиб ўтди,
Умр ўтаверар экан, эссиз умр.
Тайини йўқ аслн зоти, насабининг,
Бир ўқ қилиб сотиб олган мансабини,
Жароҳатлар дуч келганнинг асабини,
Ҳис этмас ул эл нафрати, ғазабини,
Умр ўтаверар экан, эссиз умр.
Қисматдан гоҳ розн, гоҳи нолиб ўтгум,
Ҳар юракка эзгулик, нур солиб ўтгум,
Хусуматдан, хиёнатдан ғолиб ўтгум,
Бу дунёдан имоним пок олиб ўтгум,
Умр ўтаверар экан, эссиз умр.

ҚЎШИҚ

(ХАЛҚ ЙЎЛИДА)

Саболар хуш, саболар майин,
Саболар хуш атиргулдайин,
Хуш саболар эслатса Сизни,
Соғинчимни кимга айтайин.

Соғинчимни айтмайман Сизга,
Сирли мактуб битмайман Сизга,
Сабо бўлиб ҳар субҳидамда,
Ишқ ифорли тутгайман Сизга.



Сабо Сизга элтса субҳидам,
Сочларимнинг райҳон атрини.
Кўнглингизга гул очса кўклам,
Ҳис қилармсиз меҳр қадрини.

Кутиб яшар Сизни ҳам кимдир
Соғинади йироқ-йироқда.
Исмингиз ҳам муқаддас сирдир,
Талпинади Сизга юракдан.

Ишқ сирини тутиб пинҳона
Маст айлагум ўйларим билан.
Охир Сизни қилгум девона
Атиргулдай бўйларим билан.

Ҳаётхон ОРТИҚБОЕВА,
Сирдарё вилояти.

• *Спорт*

БИЗ «ШАРҚ» БОЛАЛАРИМИЗ

Кечаги якшанбада Тошкентнинг Чуқурсойида эрталабдан кечгача ҳайқириқлар тинмади. Мўъжазгина қишки спорт залида катта бир мусобақа ўтказилди. Эшитиб борганлар кечган бир кунларидан ғоят суюндилар. Кўрмаганлар эса армонда қолди...

«Шарқ» жанговар халқаро клуби ҳақида эшитгансиз. Матбуотда кўп ёзишган. Спортнинг Ўзбекистонда ҳам нисбатан оммавийлашаётган каратэ-до тури бўйича қизиққан йигит-қизларни бирлаштирган ташкилот.

Клубнинг тузилганига эндигина бир йил тўлди. Лекин ана шу қисқа муддатда клуб аъзолари эришган муваффақиятларни санасак... Эсингизда бўлса, шу йилнинг ёзида ўзбек каратэ-дочилари Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган катта Халқаро турнирда ўнга яқин олтин медаль олиб, ўттиздан ортиқ мамлакат спортчилари ўртасида биринчи ўринни эгаллаб қайтишувди. Ана шу «олтин» йигитлар орасида ҳам «Шарқ»ликлар бор эди.

Ўшанда клуб президенти, 3-ДАН «қора белбоғ» соҳиби Нурхон Нафасов суюниб-суюниб «биласизми, мустақилликнинг энг зўр мевасини шу ёқдалигимизда сездим. Муҳташам спорт саройида ўзимизнинг байроғимиз кўтарилиб, мадҳиямиз янграганида ўзимга сиғмай кетдим» деганди.

Дарвоқе, «Шарқ» ўзининг бир йиллик тўйини камтарингина нишонлади. Бу деганимиз улар дастурхон тўла ноз-неъматлар ила меҳмон кутишди эмас, балки энг кичик ёш (9 ёшдан бошлаб)ли болакайлар ва вазни 85 килограммгача бўлган клуб аъзолари ўртасида мусобақа ўтказдилар.

Бу қизиқарли ва ҳайратли ўтган беллашувни сўз билан тасвирлаб бўлмайди. Тасаввур қилинг: миттигина болакай оёқларини бўйи баравар кўтариб тепишса... Ёки рақибини бир тепиб қулатса-ю, у ҳам ҳеч нарса сезмагандай кулиб яна «жанг»га кириб кетса, ҳайратга тушмайсизми? Ёхуд қизлар ўртасидаги тенгсиз кураш...

Яхшиси, шу куни ғолиб бўлганлар билан таништира қолайлик: Илҳом Каримов (9 ёшгача бўлганлар ўртасида), Умид Ниёзов (10 ёшгача), Фарҳод Аҳмедов (12 ёшгача), Алишер Зуфаров (13—14 ёшгача) ва... ниҳоят вазнлар тоифасига кўра Мурод Оролов (60 килограмм), Улуғ Менглиев (70 кг), Ольга Рябцева (қизлар ўртасида), Баҳодир Тошев (70 кг), Салим Жўраев (75 кг), Олимжон Қаюмов (85 кг)лар энг фахрли ўринларни эгалладилар.

...Оқшом туша бошлади. Беллашувнинг сўнгги лаҳзалари. Бош ҳакам, «қора белбоғ» соҳиби Бурҳон Раҳмонов ёрдамчи ҳакамлар билан маслаҳатга киради. Кимдир унинг ёнига келиб шивирлайди: «Бурҳон ака, бизнинг йигитлар ўкинмасин...» У эса асабий кўл силтайди: «Ким зўр бўлса, ҳалоли бўлсин...»

Хуллас, ғолибларни тақдирлаш маросими ҳам жуда кўнгилдагидек ўтди. Совғасаломларни, фахрий ёрлиқлару-нишонларни айтиб ўтириш шартмас. Чунки бизнинг полвонлар пул ё мукофот учун майдонга тушмайдилар. Шу жумладан, «Шарқ»нинг, қолаверса, Нурхоннинг йигитлари ҳам...

Норқобил ЖАЛИЛ.





ФАҚАТ ТУШЛАРИМДА СЕНГА ТУТДИМ ГУЛ

Ул ошиқ Мажнуннинг билгани билган,
Лайлисин топган чоғ ҳатто танимас.
Сизнинг юзларингиз сутга чайилган,
Париваш чеҳрангиз мени қилди маст.
Оппоқ рўмолингиз сизга ярашур,
Ва субҳу содиқда ўқийсиз намоз.
Юлдуз кўзларингиз таратади нур,
Сиз айтган тиловат дилимга ҳамроз.
Лекин не бўлса ҳам Қайс Лайлиники,
Билмасман йўлимда саҳроми, чаман!

Соғинган нигоҳим дил майлиники,
Гар чорлар бўлсангиз ёнингиздаман.

* * *

Сиз борлиқ—оламнинг сулув гултожи,
Қулоқ осурмисиз ошиқ оҳига.
Сизга боқмасликнинг йўқдир иложи
Етаклаб борурсиз жаннат боғига.
Эрурсиз нафосат гулин сарвари,
Бунчалик мукаррам аёл қайда бор!
Қалбим уммонининг Сизсиз гавҳари,
Илоҳим қўлласин ул парвардигор.
Мен сизга дил сирин этолдим баён,
Оппоқ рўмолга ҳам теккизмадим қўл.
Фақат умид дипин қилгай чароғон,
Фақат тушларимда сизга тутдим гул.

* * *

Маъюс шул нигоҳда жўшади орзу,
Кўрдим кўзингизда майин табассум.
Ойдай юзларингиз сочарди ёғду,
Бу ғариб кулбамда меҳмонсиз бир зум.
Иффат гулбоғида сиз ёлғиз ғунча,
Шакар бу лабингиз ёқутми ё лаъл.
Истагим, яшангиз дунё тургунча,
Инжа муҳаббат ҳам умрга сайқал.

Эрта кун бизларни айри йўл кутар,
Бизлар-чун қолади хотира фақат.
Сиз менинг дилимга қўнган кабутар.
Оташ юрагимда ёниб муҳаббат.

* * *

Мана келди айрилмоқ они,
Лекин сизга айтмасман видо.
Биз кўрмасмиз қодир худони,
Лекин бизни кўради худо.

Соғинчларга кўмилган умрим
Васлингизга талпиниб ўтар.
То сўнгунча кўзимдан нурим,
Сиз томондан хушхабар кутар.

Фалак узра янграр бир садо
У қўшиқ ва дилдаги орзу,
Олислардан эсса гар сабо
Гўё қўшиқ келтиргандай у.

Хайр энди, кўзлари наргиз,
Сўнгги бора боқиб қолурман.
Ҳар лаҳзада, ҳар он ва ҳаргиз
Чеҳрангизни ёдга олурман.

Анвар ТОҒАЕВ,
Жиззах вилояти.

ХЎЖА АҲМАД ЯССАВИЙГА

Аввало Одамни яратган худо,
Кейин пайдо бўлган замину само,
Уни коннотга айлаган подшо,
Афсуски барчаси «қўлдан кетаро».

Руҳ қуши учганда вужуд ҳок бўлгай,
Порсолар азалдан нурдай пок бўлгай,
Ишқи илоҳий деб дили чок бўлгай,
Бир кун ҳақ васлига улар «кетаро».

Дунёда дуру зар йиққанлар бисёр,
Улар ушр, закот беришмас зинҳор,
Хазина устида ётгай мисли мор,
Уни гадоларга берса «нетаро»!

Оллоҳнинг қулидир энг улуғ банда,
Чимхўру танида бўлгуси жанда,
Улғач шоҳу гадо тенгдур кафанда,
Манзили чуқур гўр қора ер аро!

Пайғамбар ёшидан ўтганда пирим,
Гар хато бўлмаса менинг таъбирим,
Ер ичра кирдингиз, шу эди крим,
Фанода яшадим шунча «етаро».
Узини кўмса ҳам инсон топиб ҳад,
Ҳикматни қарангки яшагай абад!

НАСИҲАТ

Қилди бир қўшнимнинг отаси қазо,
Бандасидан бўлсин яратган ризо.
Марҳум ҳурмати-да, бордик йиғилиб:
Ўзбеку тожику ўрису тарсо!


Бегона жой эди, маҳалла бошқа,
Эшитиб лол қолдим кириб шу ёшга.
— Бунча қаланғию қасанғини ким
Машварат қилмасдан чақирди ошга

Тақсир Абдулаъин берган саволдан,
Азали уйдаги мунгли аҳволдан.
Барча ҳижолату дилхира бўлиб,
Ранжиб қайтди оми ёш оқсоқолдан!

Кўк қуёшн, дўстлар, барчага тенгдур,
Дарё тоши, дўстлар, барчага тенгдур.
Марҳумнинг уйидан нс чиққанида,
Улик оши, дўстлар, барчага тенгдур!

Уткинчи бу олам, тирик зот ўлгай,
Тўяр инсон кўзи гар хокка тўлгай.
Қизғаниб еса ким худойи ошин,
Энаси этини егандай бўлгай!

Бордир «Чор китоб»да шундай бир калом,
Мен уни сизларга шарҳ этдим тамом.
Қоринмас, қадрни ўйлангиз, дўстлар,
Оламда ҳар кимдан қолсин яхши ном.



БИТАЙЛИК ТАРИХНИ ПОК ИМОН БИЛАН

Парвардигор ҳукми эрур муқаррар,
Дорога ғанимлар санчди-ю ханжар,
Эронни забт этиб олди Искандар,
Чингизхон ўлатдек кезди дарбадар,
Туронни тиклади Темур музаффар,
Авлодлар қалбида пок номи яшар!

Ҳисор водийсида жанглар бўлганда,
Ариқлар сув эмас қонга тўлганда,
Тожикнинг ўқидан тожик ўлганда,
Бир халқ қирғин бўлиб гулдай сўлганда,
Томошабин мисол кўплар турди тек,
Мадад қўлин чўзди биринчи ўзбек!

Чайқалиб турибди собиқ иттифоқ,
Ҳар куни чиқар бир низою нифоқ,
Қон тўкмай мумкин-ку аҳил яшамоқ,
Олинг Ўзбекистон халқидан сабоқ,
Жаҳон минбарига чиққанда дадил,
Айтди ўз фикрини фарзанди асил!

Истиқлол келмади гарчи қон билан,
Биз уни асрайлик лекин жон билан,
Ортиқча мақтамай шеър, достон билан,
Битайлик тарихни пок имон билан,
Темур бунёд этган буюк мамлакат
Юксалиб дафъатан кўтаргайдир қад!

ОЛЛОҲНИНГ РАҲМАТИ...

Муҳаммаднинг қутлуғ ҳоки пойида,
Қурбонлик сўйилар ҳайит ойида,
Қилган савоб қолмас асло жойида,
Оллоҳнинг раҳмати Расулуллоҳга!

Макка, Мадинада покланган ҳар руҳ,
Келиб ўзгаларга бағишлар шукуҳ,
Худони зикр этинг ҳар шому сабуҳ,
Оллоҳнинг раҳмати Расулуллоҳга!

Истиқлол поклади Ўзбекистонни,
Тикланди қадрият, дину имонни,
Ўқидик «Чор китоб» бирла «Қуръон»ни,
Оллоҳнинг раҳмати Расулуллоҳга!

Олим Бўри ёзди шукрона айлаб,
Ҳар сатр шеърига қалбини жойлаб,
Имон-эътиқодни юринг авайлаб,
Оллоҳнинг раҳмати Расулуллоҳга!

Олимжон БЎРИ.

ХАЛҚ ТЕАТРИ БОР ЭКАН...

Сарлавҳага ажабланманг. Нега энди, азал-азалдан бизда халқ театрлари бўлган-ку, дерсиз ҳам. Йўқ, биз бу ҳақиқатни сира инкор қилмоқчи эмасмиз. Тўғри, Ўзбек миллий театрларининг шаклланишида халқ театрларининг алоҳида ўрни бор. Лекин...

Яширмайлик, кейинги 15—20 йил орасида Ўзбекистоннинг чекка вилоятларидаги кичик-кичик халқ театрларига деярли эътибор берилмади. Янада тўғирроғи, унутилди. Биз томошабинлар эса катта актёрлар фақат пойтахт театрларидан чиқади, деб ўйлардик. Аслида эса энг машҳур актёрларнинг аксарият қисми ана шу халқ театрларида ўз ижодий фаолиятларини бошлаганликларини эсдан чиқардик.

Хайриятки, истиқлол, қолаверса, халқимизнинг ўзлигини таний бошлагани кўп унутилган соҳаларни ўзимизга қайтара бошлади. Қанча урф-одатлар, анъаналарни нишонлаш одат тусига кирди. Ана шундай савоб ишлардан бири ўтган ҳафтада Тошкент шаҳрида амалга оширилди. Ҳаваскор театр жамоаларининг республика кўрик-танловини назарда тутаяпмиз. Икки кун давом этган бу қизиқарли томошаларни бирма-бир шарҳламоққа имкон бўлсайди...

Нимасини айтасиз, ўзбек халқининг санъати жуда катта тарихга эга. У абадий, ўлмас. Иқтидорли ёш актёрларнинг ажойиб ижроларини кўриб ҳайратга тушдик. Кўрик танловда иштирок этган ҳаваскор театр жамоаларининг чиқишларини машҳур режиссёр Баҳодир Йўлдошев бошчилигидаги ҳакамлар ҳайъати кузатиб бордилар. Ва...

Шундай қилиб, фахрли биринчи ўрин Фарғона вилоятининг Бешариқ тумани халқ театри актёрлари тайёрлаб келган Иброҳим Содиқовнинг «Афанди ва беш хотин» спектакли учун берилди. Сирдарё вилояти Сайхунобод тумани халқ театри (Шароф Бошбековнинг «Темир хотин» спектакли учун) ва Шаҳрисабз шаҳар халқ театри (ёзувчи Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романи асосида тайёрлаган «Юлдузлар гирдоби» инсценировкаси учун) иккинчи ўринга сазовор бўлдилар.

Учинчи ўрин эса Вобкент тумани халқ театри жамоасига берилди. Шунингдек, «Энг яхши режиссёрлик иши учун», «Энг яхши аёл роли учун» ҳамда «Энг яхши эркак роли учун» номланган совринмукофотлар топширилди.

Тўғри, икки кунлик муддат бу нуфузли кўрикда иштирок этган жамоаларнинг бутун ижодий фаолиятларига холисона баҳо бермоққа озлик қилади. Албатта, томошаларнинг ҳаммаси муваффақиятли чиқди, дейиш қийин. Ютуқлар бор жойда камчилик-нуқсонлар ҳам бўлиши табиий. Энг муҳими, халқ театрлари ўзларининг бор имкониятларини намойиш этдилар.

Яна бир қувончли томони, бу катта кўрик-танловни ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар жумҳурият маркази жамоаси ташаббускор бўлдилар.

Бахтиёр ОЧИЛ.

«КУМУШБИБИ»— ЧЎЛҚУВАРЛАР МЕҲМОНИ

Сирдарё вилоятидаги Ховос туманига қарашли «Дружба» давлат хўжалигида Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрининг актёри, Ўзбекистон халқ артисти Гулчеҳра Жамилова билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда хўжалик меҳнаткашлари, шунингдек тумандаги кўплаб санъат мухлислари иштирок этдилар. Таниқли санъаткор учрашув қатнашчиларига ўзи яратган роллар, катта санъатда босиб ўтган ижодий йўли, «Ўтган кунлар» бадиий фильмининг яратилиши тарихи ҳақида сўзлаб берди ҳамда санъат ихлосмандларининг кўплаб саволларига жавоб қайтарди.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН СОЦИАЛ-ФАЛСАФА ВА МИЛЛИЙ МАДАНИЯТНИ ТИКЛАШ МАРКАЗИ АҲОЛИГА:

— ижтимоий-гуманитар соҳаларга оид илмий ишларни, диссертация ва авторефератларни таҳрир этиш;

— рус тилидан ўзбек тилига, ўзбек тилидан рус тилига илмий матнларни, диссертация ва авторефератларни таржима қилиш;

— хусусий корхонлар, ширкатлар, жамоа уюшмалари ва ҳакозаларнинг низом, шартнома ва бошқа ҳужжатларини рус тилидан ўзбек тилига таржима қилиш бўйича тез ва сифатли

ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ

Мурожаат учун манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси 45-уй. 3-қават, 65-хона.
Тел: 53-23-98, 54-68-78.

ДИҚҚАТ-ПРЕМЬЕРА!

Бугун Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрида Чўлпоннинг «Ёркиной» спектаклининг премьераси бўлади. Томоша соат 17.00 да бошланади.

ТЕАТР МАЪМУРИЯТИ.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Ўзбекистон Республикаси Президенти аппарати жамоаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Т. Алимовга акаси

Рамиз Аъзамович АЛИМОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

2-Тошкент Давлат тиббиёт институти ректорати, касаба уюшмаси ва жамоатчилиги 1-ТошДавТИ факультатив хирургия кафедраси мудири, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, профессор Уктам Ориповга рафиқаси, тиббиёт институти халқлар тарихи кафедрасининг собиқ катта ўқитувчиси

Роза Саидғаниевна АЪЗАМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдириб, оила аъзоларига Оллоҳдан сабр-бардош тилайди.

1-Тошкент давлат тиббиёт институти маъмурияти Беруний номли Давлат мукофоти совриндори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, институт жарроҳлик шўъбасининг мудири профессор Уктам Ориповга рафиқаси

Роза Саидғаниевна АЪЗАМОВАнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. Марҳуманинг оила-аъзоларига ва қариндош уруғларига сабр-тоқат тилайди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Президиуми, Биология фанлари бўлими Уз ФА академиги Ў. О. Ориповнинг рафиқаси

Роза Саидғаниевна АЪЗАМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Республика кинофильмларни ижарага бериш идораси жамоаси Қорақалпоғистон кинофильмларни ижарга бериш идорасининг бош муҳандиси

Зарип ХОЛМУРОДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент Давлат юридик институти ректорати ва жамоаси «Иқтисодий назария» кафедрасининг доценти, иқтисод фанлари номзоди С. Қ. Қосимовга волидаи муҳтарамалари

Субинисо ХОЛМАТОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзмаишихизматуюшма» маъмурияти, республика маиший хизмати соҳасининг кўп минг сонли жамоалари Ўзбекистон аҳолига маиший хизмат кўрсатиш собиқ вазири

Анна БРОДОВАнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилиб, марҳуманинг қариндошлари ва яқинларига ҳамдардлик билдирадилар.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир: Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ.

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-26-70.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси—33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Шароф Рашидов фонди — 33-34-69, 33-20-36.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ
Андижонда — 4-48-85;
Бухорода — 3-96-12;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-46-24;
Навоийда — 3-74-76;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 4,44-62;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 52-624.
Самарқандда — 35-22-90;
Урганчда — 6-72-60;
Фарғонада — 6-37-16.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 3 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г—687. тир. 22095. топширилди — 23.00.
Навбатчилар: Ҳ. НОСИРОВ, А. ПЎЛАТОВ.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083. ТОШКЕНТ, ГСП, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «БуюкТурон» кўчаси 41-уй.